


КОМИЛ АВАЗ

КОМИЛ ДЕВОНИЙ



А.Навоий номидаги Узбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти
Ташкент – 2006

№ 31997
2

Комил Девоний таваллудининг
120 йилингига бағишиланади.

23.3(55) Адабиятшунослик



Чок этиб чиқдим садаф кўксини, гавҳар бўлмадим,
Ташналааб дарё аро кирдим, лаби тар бўлмадим...

06
55
Л

Alisher Navoiy

nomi

O'zbekiston

Комил Аваз «Комил Девоний»
А. Навоий номидаги Узбекистон Миллий
кутубхонаси нашриёти, Тошкент 2006 й.

Ихлос

Айни күклам. Ям-яшил боғлар узра күтарилиб келаётган қуёш нурларига кўксини тутганча ноку олмаларнинг япроқлари шабадада енгил силкиниша-ди. Асрий гужумлар салобатидан ҳовуз юзи симобий рангда аста жимиirlайди. Бу янглиф фараҳбахш тонгги тароват суруридан баҳрамандлиғ саодатига эртароқ мушарраф бўлган Комилжон (аялари Ойимжон она уни ҳар доим хоразмчалаб Маматкомил, яъни Муҳаммадкомил деб чақиргувчи бўлган, шу сабабдан биз ҳам унинг исмини Муҳаммадкомил, Девоний деган жойларимизда ҳалқ билган ва шоирнинг ўзи қўллагани бўйича – Комил Девоний деб юритамиз – К.А.) сарҳовузга қадимий Хейканиқдан (Полвон ёпдан – К.А.) оқиб кираётган ариқчада юз-қўлини чайди. Бобосининг деворорти устахонасидан (бу ерда мармар тошларни йўнадиган темир қаламлар, қачовлар) темирга нақш ўювчи қаттиқ пўлат асбоблари ишланарди) тарақа-турук болғалар сасига бир зум қулоқ қўйиб турди-да, катталар ёнига ёрдам – га шошилди.

У ажид бир нарсани кашф қилгандай устахонага кириб борди: ҳар қандай катта-кичик чўкичлар (болғалар) товушиям баҳорда қулоққа хуш ёқади. Ёз иссиғида «тиқ» этган товуши оғирлик қиласди. Бу қувончини отасига айтмоқчи эди, лекин ҳали ўн ёшини тўлдирмаган болага бу қадар шоироналиқ қилишга иймандими, ё болғалар шовқинида отаси зишитмаяжагини ҳис этдими, раъидан қайтди. Катталар ҳам унинг кириб келганига эътибор қилишмади. Шундай бўлса-да, у бир нима қилиш керакми маъносида отасига илҳақлик билан қараб тураверди.

– Абдулла отанг сени таҳсила га келмаяпти деб хафа бўлди, – деди ишдан тўхтамай Исмоил муҳркан ўғлига.

– Болалардан анча илгарилаб кетдинг деб айтдилар-ку, – ҳайрон бўлиб жавоб берди Муҳаммадкомил.

– Мақтагани ўқишидан қолавер дегани эмас, бор, ўқишингга бор.

Муҳаммадкомил отасига не жавоб қиласини билмай эски мактабга равона бўлди. Ўқишига бораётуб ҳам бугунги топилдиғидан севинганча, кечакоқ-

шом меҳмонлар олдига чой қўяётиб эшигтан байтини ичидан тақорлади:

*Жаҳон шоирлари, эй гулшани боғ,
Кими булбул дурур сўзда, кими зоғ.*

Муҳаммадкомил Мулла Абдулла ўқитадиган эски мактабга келиб ҳам тинчланолмади ва мавриди келганда юрагига муҳрланиб қолган байтни устозига айтди ва ким ёзган буни, дея сўради. Афсус, устози айтишга қудрати етмади, фақат не кўп шоир кўп, аммо дуруст айтибди, зеҳнингга тасанно деди. Муҳаммадкомилнинг кўнгли тоғдай ўсади. Кечроқ таҳсилдан қайтгач, отасидан юқоридағи байт эгасини сўради. У ҳам аниқ бир жавоб айтмади, лекин ўғлиниг зеҳнига қойил қолди.

У ёшлигида эшигтан бу байтни сал улғайгач, Араб Муҳаммадхон мадрасасида Юсуф ҳожи мударрис қўлида таълим олаётганида устозидан батафсил эшиди — хоразмлик шоир Сайфи Саройиники экан.

Энди ўзи ҳам неларнидир қораламоқча қаради, лекин устозига кўрсатишга тортинади.

*Тутаолмай шавқ асрорини жонда,
Ҳазини музтариб бўлдим жаҳонда.*

Бу устозига тақлид, эргашиш маҳсули. Ахир, устози Юсуф ҳожи — Доий араб ва форс илмини муқаммал билгувчилардан саналмиш забардаст шоир. Ҳам форсийда, ҳам арабийда хўб маъқул ғазаллар биттанидан шогирди Муҳаммадкомилни ўқитиш борасида унинг ноёб истеъододига алоҳида зътибор берди ва қунт билан устозлик қилди. Муҳаммалкомил устоз қўлида ўн йил таҳсил олди.

Баъзи ихтилофлар

Қишининг рутубатли, аёзли кунлари бирдай оғир. Ёғиб-ёғмаган, очилиб-очилишмаган қора булутлар кундан-кунга қалинлашиб, қалъа устида шундоқ-қина осилганча борлиқча кутқу солади.

Ҳаётнинг шасту-баландига кўникиш, қишининг кўнгилларни эзадиган фамли оқшомларида Ойни, кундузлари йилт этган Қўёшни қумсаб, кечни қаршилаш баробарида ўқишу ҳунар ўрганиш билан ўтаётган Муҳаммадкомилнинг болалик йиллари бир-

дан қора тортиб, оғир мусибат дилини яралади — ўн уч ёшида, 1900 йили отаси Исмоил муҳркан вафот этди. У амакиси Худойберган муҳркан қўлида қолди.

Худойберган муҳркан оиласарвар, ўқимишли, Хоразм олти ярим мақомини мукаммал биладиган уста созанда, ҳусниҳат хаттот, беқиёс наққош одам эди. Ўз фарзандлари қатори жияни Муҳаммадкомил устидан қуш учирмай тарбия қилди, ҳунар ўргатди. У девонда ишлагани боис хон Феруздан (Муҳаммад Раҳимхон II — 1864-1910) Муҳаммадкомилни ўзи билан бирга ишга қелиб-кетиб юришини сўрайди. Хоннинг розилиги билан ёшига нисбатан бирдан каттайиб қолган Муҳаммадкомил амакиси билан девонга қатнай бошлади. Ҳусниҳатдан олаётган таълими девонда ярайди, амакисига ёрдам бериб хат ёзиш билан шуғулланади.

Бу орада Муҳаммадкомил ҳаётида яна бир оғир воқеа отаси вафотидан кейин, саройга эндиғина амакиси билан қатнаб юрган вақтида юз берадиким, бундан унинг юраги қаттиқ жароҳатланади. Бу воқеага сабаб Муҳаммад Шариф Тарроҳ девоннинг хон ҳукми ила таёқлаб ўлдирилишидир. Бобожон Тарроҳ: «Хоннинг саройида китоб ёзиган заррин қалам девонлар тубандада кўрсатилади: биринчи — Худойберган муҳркан, иккинчи — Муҳаммад Еқуб Ҳаррот девон, учинчи — Муҳаммад Шариф Тарроҳ девонлар ўтирганлар. Муҳаммад Шариф Тарроҳ девонни таёқлаб ўлдирганларидан кейин хон Толиб Маҳзумни юбориб, мени олдириди. Мен Толиб маҳзумга: — Акамнинг жасадини маҳрамхонадан олиб чиққаним учун, Маҳзум оға, Арк дарвозасидан кирмакка виждоним чидамайди, бормайман, деб айтдим. Толиб Маҳзум менга: — Биринг вафот этдинг, сен бормасанг, хоннинг бир оғзи ўт, бир оғзи сув, авлодинг бирла ўлдиришга буйруқ беради, — деди. Кейин боришга мажбур бўлдим. Толиб Маҳзум мени саройга, Муҳаммад Раҳимхон иккинчининг ҳузурига олиб кирди. Саройнинг қописидан йиғлаб кирдим, Муҳаммад Раҳимхон иккинчи: — Акангнинг ўрнига ўтири! Ундан қолғон китобнинг давомини ёз! — деб буйруқ берди. Шу вақтда ёшим 21 да эди. Қопида йиғлаб турган вақтимда Улуғ Мамат маҳрам: — Узи ёни бола экан. Акасининг вафот этган ерицида, сизнинг ҳузурингизда ўтира билурми? — деди. Хон Кичик Мамат маҳрамга: — Даҳлизга устал қўйиб, ёнига Болта Ҳарротни чақир, Комилни (Комил Дево-

шийни – К.А.) ҳам чақир! – деб буюорди. Дарҳол унинг амрини ҳозир қилдилар. Сарой қописи очиқ турар, Мұхаммад Раҳимхон иккинчи сўзлаган сўзларини эшитиб ўғирар эди. Лекин Аҳмаджон Табибий саройда – хонинг ёнида ўтирас эди. Бизлар: Нодим Болта Ҳаррот девон, Комил Девоний, Бобожон Тарроҳ Ходим, Юсуф Ҳаррот Чокар ўн йил шу тартибда сарой даҳлизизда ўтирдик. Бир минг тўқиз юз ўнинчи йилда Мұхаммад Раҳимхон иккинчининг вафотидан сўнг, Исломхўжа мени маҳфий котиби қилиб олди.» («Хоразм навозандалари», Т: Г.Гулом номидаги нашриёт, 70-72 бетлар.)

Бобожон Тарроҳнинг бу битигини кенгроқ келтиришимиздан мақсад бир томондан муаллиф ёшига андак аниқлик киритиш, иккинчи томондан Комил Девоний билан содир бўлган юқорида таъкидланган воқеа тафсилотини эшитганимизча баён этиш. Хўш, «Хоразм навозандалари» китоби сўзбошисида муаллиф: «Мен бу китобни ёшим тўқсон бешга кирганда, қарилек чоимда ёздим», дея 1 январ 1965 й. санаси билан имзо қўяди. Юқорида келтирилган лавҳада: «Шу вақтда ёшим 21 да эди», деб ёзади. Магарам Бобожон Тарроҳнинг «сўзбошида» ёзгани дуруст бўлса, унда туғилган йили 1870 бўлади. Унда Комил Девоний билан ўн йил бирга ишлагани нотуғри бўлиб чиқади. Чунки, Комил Девоний 1887 йили туғилган ва ўн уч ёшида отасидан етим қолгач, амакиси Ҳудойберган муҳркан билан бир жойда, яъни 1900 йилда саройда ўтиради. Шунинг учун ҳам у Мұхаммад Шариф Тарроҳ девонни таёқлаб ўлдирганларини ўз кўзи билан кўради ва биз айтмоқчи жароҳат юз беради – Мұхаммад Шариф Тарроҳ девон охирги нафасини ёш Комилжон кўзи ўнтида чиқаради. Бундан кўрқиб кетган Комилжон хасталикка дучор булади. Демак, Бобожон Тарроҳнинг туғилган йили 1870 эмас, балки 1880 йилдир. Мен у кишини 1960 йил ўрталарида Урганчдаги уйи олдида ўтирганини бир неча бор кўрганман, у вақтда ёшлари тахминан саксон бешлардан катта эмас эди. «Хоразм навозандалари» китоби сўзбошисида муаллифнинг кўрсатган ёши китобни тайёрлаганлар ҳатоси бўлса эҳтимол, яна Ҳудо билади.

Шундай қилиб, 1901 йили Мұхаммад Шариф Тарроҳ девоннинг таёқлаб ўлдирилиши Мұхаммад-комилнинг юрагида оғир асорат қолдиради.

Мұхаммад Шариф Тарроҳ девон ғаммозлар гүҳматига учраганини у катта бўлгач англаб етди. Ҳисоб-китоб ишларидағи чалқаплик содир этганини, айтишиларича, девон, майшат қурбони бўлган, балки шунинг учун бўлса керак, Бобоҷон Тарроҳ юқорида бир туғишган акасини ёзганда, фақат унинг таёқлаб ўлдирилганини айтиб, жазоланиш тафсилотини бермайди.

Бобоҷон Тарроҳ: «Комил Девоний бизлар билан шерик девон эди. Талабимиз ҳар куни икки таңга ишлар, шунинг билан кун кечирар эдик. Девоний 15 ёнларидан шоирлик билан шуғуллана бошлиғон.» («Хоразм навозандалари», Т: F. Ғулом номидаги нашриёт, 70 б.)

Мұхаббат шамъини ёқдим вафо тухмини ёғидин

Мұхаббат одамзод ила бирға яралған сирли мұйжиза. Асрлар давомида кимлар унга шарҳ битмади-ю, кимлар унинг йўлида жон фидо этмади.

Мұхаббатнинг масрур йўларида сармасту сар-аффроз бўлган аҳли ишқ Фузулий ҳазратлари айтмиш: «Қўзи ёшлиларинг ҳолин на билсун мардуми ғофил, Кавокиб сайрини шаб то саҳар бедор ўландан сўр» байтлари билан маснади маъводирлар. Ёш Мұхаммадкомил ҳам устозлар овозига ҳамоҳанг сатрлар қоралади;

То кўриб ҳуснишгни ман хуршид ёнглиғ бениқоб.
Заррадек жунбуш била айларман эй гул изтироб.

Девонда хаттотаик, уйда бетиним ҳунар, мадрасада араб ва форс тилларини ўрганишдан толиқмайди. Ҳаммасидан ҳам қоралаган ғазаллари устозита, дўйсту-биродарларига ёқа бошлиайди. Унинг шеърга, санъатта, айниқса мусиқа илмига ихлоси, ўзи интилган, орзу қиласан зинапоялардан аста-секин юксалтира борди. Устозининг хайриҳоҳлиги билан ўзига ДЕВОНИЙ деб тахаллус қўйди.

Фироқи шиддати шарҳини Девонийға
бу таршиб,
Дегай Девониё назм аҳли девонигға салламно.

Комил Девоний бу байтни бежиз айтмаган экан, тартиб берган девонига назм аҳли салламно айтгани

сабабли хон даъвати ила шоир Табибий томонидан тузилган ««Мажмуат—уш си шуаройи Ферузшоҳий»га»га унинг тўқсон уч ғазали кирган. Уттиз шоир жамланган «Мажмуа» 1906 йилда чоп этилди. Ун тўқиз ёшида Мунис, Отаҳий, Комил Хоразмий, Доийлар қаторида тарихга муҳрланган, ҳам ҳажман, ҳам мазмунан катта «Мажмуа»га кириши ёш шоир учун улкан ютуқ эди.

Билҳақ, Комил Девоний замонасининг етук одами бўлиб етишди.

Кишиким ишқ аро содиқ эса албаттаким
шак йўқ,
Муҳаббат шамъини ёққай вафо тухмини
ёғугин,—

дека содда, равон, теран мантиқли, Навоийона ёзиш учун улкан талант соҳиби бўлмоғи лозимлигиги ни Бобожон Тарроҳ илғамай иложи йўқ эди. Бу бир томондан, иккинчи томондан Девоний ўта сахий, одамшаванд, улфат бўлганким, кимки қарз сўраса, тўхтатмай бераверган. Бобожон Тарроҳ: «Комилжон, қарз кўпайиб кетди-ку десам, у қарз топдим — ганж топдим дер эди», деб ёзади ўша китобида.

Саховатпеша Девонийнинг ижоди, ҳаёти аста-аста яхшиланиб, эл оғзига тушади. Амакиси уни қизи Султонпошишога уйлантиради. Оила нафаси дўсту-ёрлар қариблигида бири-бираидан гўзал ғазаллар яратса бошлайди. Навоий, Мунис, Отаҳий ғазалларига боғлаган мухаммаслари бениҳоя бақувват, мухлислару ҳофизлар талашиб юрган. Шундай кунларнинг бираида нохуш бир хабардан юраги яна бир бор (нечанчи бор) узилади. Устози Доий айрим уламою фузалодан, сипоҳиу маҳрамлардан мудомо адолатли шикоят қилиб юрган сўнгги вақтда Арабмуҳаммадхон мадрасаси мударрислигидан олиниб, Жумамасжиҳ воизлигига ўтказилган эди. Кеча эшитса, Ислом Хўжа сабабли у ердан ҳам ҳайдалармиш, вазир хонга ҳожини юртдан бадарға этишни талаб қилибди.

Муҳаммадкомил бу воқеа тафсилотларини яхши билганидан чидаб туролмади, қўлидан келадиган ишни қилди — нидоли ғазал битди.

Неча йил таҳсилу илм этди-ю, устодим эди,
Шоир ул, доғи кўр зулматга ботди ул қўёш.
Олдилар мансабдин они, кесмаги тил ханжари,
Зулми бедод аҳлига жангу жадаллар қилди фош.

Тұғри, хон Феруз Доийга күп эркинлик берди, аммо авж олган адолатсизликдан, Лаффасий ёзғанидек: «...мазлум фуқароларни бегуноқ ҳибс этиб, зулм ситамлар бирлан пора ришиналар олиб, масжид-мадрасалар, ҳовли-ҳарам, боғ-боқчалар, бино-иморат қылғанларни шикоятлар қилиб, шүрлик ақволослатыдан сүзлар ерди». («Тазкираи шуаро» 94 б.)

Албатта, «Жұмамасжид» кунбогатар ёнбошида вазир Исломхұжанинг «рус-тузем» мактаби очилғани, уни тұғрисида мадрасаси қурилғани ва Катта Минора қуриш учун шу ерда яшаб үтирган одамларнинг уйи, болу боқчалари ийқишлиши Доийни бефарқ қолдирмас әди. Лаффасий: «...бир жума куни Ислом Хұжа Феруз Мұхаммад Раҳимхон Фармони билан намоз жумага борадур. Аммо Отаниәз девонким, Мұхаммад девон ўғли, бир катта гиламғоли келтуриб воизга яқин Ислом Хұжанинг остига тұшайдур. Аммо бул тариқа гилам тұшалғанин воиз Юсуф Ҳожи күриб, Ислом Хұжани андағ танқид этадурки, Ислом Хұжа дүнёга келганига мингларча пүшаймонлар қилиб, ҳасратлар чекадур» («Тазкираи шуаро» 94 – 95 бетлар.)

Аслида, Доий вазир Исломхұжа қилиб юрган ишлардан норози әди. Бу ҳақда раҳматлік кекса созанда Абдушариф ота жуда қироатини келтириб ҳикоя қылғувчи әдилар: «Исломхұжа бир сафар жума номозига кечикиб келади. У «Жұмамасжид» олдида құыш от құшилған аравасидан савлат түкиб тушади да, уламонинг устини босқылаб, меҳроб томон шаҳд билан келаверади. Ваъзхонлик қилиб турған «Жұмамасжид» войзи Юсуф Ҳожи эшон Исломхұжанинг бу янглиғ беписандылғидан ғазабланиб, уни масжиднинг ўртасида тұхтатиб, қилиб юрган ишлари күфрлігини айтib ҳақоратлайди ва унға ятоқлик қылмақчи бўлғанларни ҳам қатғик койииди. Исломхұжа бу ҳақоратта чидамай, хонға Доий устидан арз қиласы да уни юртдан чиқаришни талаб қиласы да.

Юқорида келтирған иккала лавҳадаям Доий тұғрисидаги демипилар қарийб бир хил тасвирга эта. Девонийни бу муносабат билан биттан ғазали қўлма-қўл бўлиб кетади. Хон Девонийга нисбатан бирор чора кўрмагани, униң иқтидорини суйған бўлса не ажаб. Бироқ, шоир даврон сурувчиларда диёнат, шафқат йўқлигини яхши билар әди:

*Фигонким, аҳли даврон ичра шафқатдин асар
йүқдур,
Бирокум истагай шафқат ани ақли магар
йүқдур.*

Ва яна:

*Хароб обод оламда вафо ноёб экан билдим,
Қилибман имтиҳон, аҳбоб эли каззоб экан
билдим.*

*Нечук, Девониё, дунёда қилғум орзу ишрат,
Фалак иши саропо фитнаи қуллоб экан билдим.*

Ёхуд, ўн саккиз ёшларида эл суҳбатидин четлашиб, ком тошишга харобот ичра (бу дунё лаззатларидан ўзларини тийғанлар жойи) кирмоқни битиш:

*Тобғасен албатта коминг кир харобот
иҷраким,
Айлабон Девонийдек эл суҳбатидин ижтиноб.*

Саройда хизмат қилиб бу янглиғ ғазаллар битиш ҳамма шоирнинг ҳам қўлидан келавермайди. Қисқа вақт ичида яна бир машҳурлик, серқирра ижод соҳиби Сангар тарафони, Хивани, Хоразм мулкини музайян қилди — бу КОМИЛ ДЕВОНИЙ эди.

Сангар

Сангар мавзеси қадимий Хива қалъаси ичидан оқиб ўгадиган, «Полвон ёпнинг сувин болдай мазаси», дея куйланмиш Полвон ёпнинг (анҳорнинг) кун-чиқар томонидаги сўлим маскан.

Сангарнинг бир маъноси: ҳарбий иншоот, истеҳком, тўсиқ хандаги (рус. окоп.) Ерга қазилган хандакда ётиб навкарлар душман ҳужумини қайтарғанлар. Хандакда ётиб палахмонга солиб тош, ўқ отганлар. Тўсиқ истеҳкомида туриб тўп отганлар.

Сангарнинг яна бир маъноси мӯгуллар босқини билан боғлиқ саккиз асрлик узун тарихга зга. Айтишларича, мӯгулларнинг жонингизга омонлик берамиз дея алдови билан Хива катхудолари қалъа дарвозаларини очиб берганларидан кейин ёғийлар шаҳар ҳалқини беаёв талоп-тарож этадилар, не-не йўч йигитларни асир олиб, қалъа кунчиқаридан оқиб ўтадиган Полвон ёп билан туташадиган Сирчали ёп кўпригидан ўтказиб, кўхна масжид олдидағи майдонда қатл этадилар.

Бу янглиғ ваҳший қонхўрликка чидамаган ҳалқ, асирларниң қариндош-туққанлари кўҳна масжид тошлигини бетартиб бузганча, мўгулларни тошибўрон қилиб ўлдирадилар.

Бу воқеадан хабар топган қалъа ичкарисидаги мўғул саркардалари майдонни ўраб олиб, санги гарданида қатнашган бари хиваликларни қатли ом қиласди. Шу-шу бу майдон номи шаҳидлик майдони ва мўгулларни тош билан уриб ўлдирилишини «санг гардани — тош билан ур, муштла», номи билан атайдилар. Даврлар ўтиб «гардани» сўзидан «гар» қолиб, «Санггар»га дўнган, бироқ ҳалқ тилида «Санггар» бўлиб кетган. Сангарнинг иккала маъносига ҳам тош билан уриш, отиш жарёни, ҳарбий дастуруламал мужассамлашган.

Санггар XIX асрга келиб ҳунармандлар, нақошлар, темирга ишлов берувчи позачилар, тўпчилар элати, файзиёб масканга айланади. Бу ўрамнинг бош бўғинида ҳунармандларнинг етук устаси, замона адабий муҳитига, санъат илмига доҳил инсон Пано тўпчи гурав эди.

Ҳали биринчи ўрис босқинидан аввал, Саййид Муҳаммадхон (1855—1864) даврида хонлиқда «икки шоҳали ўн икки тўпи бор эди. Шулардан олтитаси от билан ҳаракат қилишга мўлжалланган. Тўпларни ҳаракат қилдириш Эроннинг қадимги усуллари тарзida қўриқхонасиз ҳаракатланади. Ҳарбий сафарларда тўпларнинг ўқдори ва снарядларини бошқабошқа араваларга юклаб олиб юришади.» (И.Мирпанжий «Асирикдаги хотиралар» 1997 й. 54 б.)

Эрон генералининг Хивадаги ўн йил асирик давридаги тўп ва ўқдорилар тафсилотини кенгроқ ёритиншимиздан мақсадд Хива ҳарбий кучлари, навкару тўпчилар аъмолидан хабардор қилмоқким, Пано тўпчининг довруғи Хивани ҳимоя қилишда, шунингдек, ҳарбий юришлар силсиласида машҳур бўлган ва кўп маротаба хон томонидан тақдирланган, хиваликлар эъзозида бўлган.

Исмоил Мирпанжийнинг янги асири тушган вақтидаги бир воқеа билан тўпчилар мартабаси неқадар қадрланганини билиш мумкин: «Биз Хивақ-қа келган ўша рамазон ойида хон (Муҳаммад Амин—К.А.) асири тўпчиларининг тўп отиш маҳоратларини сипаш истагини билдириди. Али Султонга асири тўпчиларни келтиришни буюрди. Мен тўпчила-

рга яхши отинглар, мабодо уларга ёқиб қолсанғизлар сизларга нисбатан яхшироқ муносабатда бўлишга ҳаракат қилишади деб маслаҳат бердим. Улар ҳам менинг сўзларимни маъқул топдилар, аммо ҳарчанд ўқ отишмасин, ҳеч бири нишонга тегмади. Хон газабланди, уларни яна меҳтарга тошириб, яхшироқ (мустаҳкамроқ – К.А.) сақлашни буюрди.» (И.Мирпанжий «Асирилдиқаги хотиралар» 1997 й. 37 б.)


Юқоридаги лавҳадан кўриниб турибдики, нишонга теккизиб ўқ отиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Пано тўпчилик мерган тўпчилар хонликка ҳаводек зарур эди. Шу сабабдан ҳам уни оиласи билан қалъа ичкарисидан, ҳозирги «Амин чорсу»дан Сангарга кўчирилиши тасодифий ҳол эмас. Сангар, юқорида айттанимиздек, душман ҳужумини қайтаришга мўлжалланган тўсиқ хандаги бўлганидан тўпу снарядлар шу ерга яқин турган ва номдор тўпчининг ҳам яшаш жойининг шу жойга кўчирилиши табиий. Буям хоннинг Пано тўпчига ихлоси ва катта ишончининг инъикосидир. Шунинг учун ҳам Пано тўпчи дарвозаси оддидаги қудуқдан (бу қудуқдан ҳозир ҳам сув ичишади) хон Феруз сув ичиб, тўхтаб ўтган. Аввало Худо, қолаверса, хон назари тушган хонадон ҳамиша меҳмонлар билан, айниқса, созандою шоирлар билан сарафroz бўлганига тарих гувоҳ.

Тарих яна бир нарсага гувоҳ – 1342 йили Испания қироли Алъфонс арабларнинг Ал-хесирас шаҳрини босиб олмоқчи булиб ҳужумга ўттанди испанлар учун кутилмаган ҳодиса рўй беради – ҳавода улар устига қулоқни батангта келтирувчи шовқин солиб ўнлаган ёлингли темир шарлар ёғилиб, одд қатордаги Испан аскарлари қонга беланадилар ва қолганлари парокандалик билан орқага қараб қочадилар. Ал-хесирастга қилинган ҳужум барбод бўлади. Бу темир шарларни отган ўқ отиш қироли оддийгина «Модфа» (рус. миномёт) эди. (Ж. «Моделист Конструктор» М. 1973ҒЗ 17 б.)

Хунармандликка эътимодли Пано тўпчи бундай ўт сочар тўплар ҳақида ота-боболаридан кўп эшигтгани сабабли шундай оддий, лекин узоқча отадиган тўп яратиш, унинг овозасини эшигтан ҳар қандай ёғий ҳам Хоразм тупроғига шум қадамини босмаган бўлар эди. Ана унда халқ тинч, осойишта, фаровон яшарди.

Шоирлар булбулигүё, созандаю гүяндалар авжи фалакка чиқиб, ижод булоги яна ҳам сарбаланд бўлар эди. Бу Пано тўпчининг ширин ўйлари. Аввалам кўп миқдорда темир йўқ, бўлгандаям уни қайнатишга катта қозон, катта босимдаги ёлинг, қолаверса, тўш қолиплари, уни ясашга асбоб-ускуна даркор. Шундаям хонликда бор тўпларни бетўхтов отишга шай қилиб қўйиш, ишдан чиққанларини тузатиш, яроқсиз ҳолга келиб қолганларини таъмирлаш ишлари Пано тўпчидек ҳунармандлар зиммасида эди.

Матпано тўплари шахсафи



Пано тўпчининг икки ўғли – Хударян (Худойберган) ҳамда Исмоиллар отасидан андоза олиб, даврининг етук наққонлари, моҳир созандалари бўлиб етишдилар. Улар муҳр ўйиш санъатини ҳам згаллаганлари боис – «муҳркан» бўлдилар. Уларнинг авлодлари ҳам Хоразм олти ярим мақомининг ўткир билимдонлари, ҳусниҳат ҳаѓтотлари, ўймакор наққонлари бўлиб етишдилар. Худойберган муҳрканнинг фарзандлари Собир, Юсуф, Карим, Матпано ва бошқалари шоир, созанда, наққон, турли соҳа ҳунармандлари, (Матпано Худойберганов Суханвар тахаллуси шоир, машҳур ҳофизлар Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзовларнинг устози, Хоразм олти ярим мақомини ўргатган табаррук инсондир) Исмоилнинг яккаю-ягона ўғли Комилжон Бобоҷон Тарроҳ китобида алоҳида меҳр

билин таъриф берганидай: «У (Комил Девоний – К.А.) беш илмга эта эди. Аввало, агар асбоб бўлса, бешотар миљтиқ тузатар, иккинчидан, олии ярим маҳом соз чёртмоқни билар, лекин айтмоқни билмас эди. Учинчидан, яхши хушхат котиб эди. Тўртингчидан, яхши шоир эди. Иккинчи Навоий дейиш мумкин эди. Бешинчидан, яхши ислимкор наққош эди.» («Хоразм навозандалари» Т. F. Гулом номидаги нашриёт 69 б.)

Албатта, Бобоҷон Тарроҳ Комилжон ака билан хон саройида ўн йил бир даҳлизда ўтириб, бирга ишлаганидан, шоирлиги ҳақиқатдаям ўша давр ижодкорлари ичида бир қадар юқори турганиданми, иккинчи Навоий деб улуғлашида дўстига нисбатан меҳрибонлиги сезилиб турибди.

Мана, қадими «Сангар»дамиз. Хон боғи номи билан аталувчи ҳозирги «Орқа тозабоғ» маҳалласи. Бирдан борлиқ хаёлим билан Комил Девоний яшаган даврға лўйнгигб кетаман. XIX аср бошларидағи Хива. Унинг кунчиқарида қадими Сангар, кунботарида меваастон... Матёқуб позачиларнинг, Пано тўпчиларнинг ёнга қараган кунгуруали дарвозалари, боғли боқчали серфайз ҳовлиларини қалбан ҳис этаман. «Муҳркан»лар ҳовлиси кунботар ёнбошидан ўгадиган Баротнинг кенгина солмаси, (ариги) хоннинг боғи ёни билан қадимги Урганч – Хива йўли бошидаги Тўранинг ҳовлиси томон оқиб бораётгандай, унинг торроқ жойидан кимдир ҳатлаб ўтиб, «поза» – чилар томонга ўтиб кетгандай, хаёлларимни гўзғитиб юборди. Полвон ёп бўйлаб аста қибла томон одимлаймиз. Ана, ҳозирги Феруз номли мактаб ўрнидаги кўл орқасидаги баландликда жойлашган кунгуруали Маткарим сайиснинг ҳовлисидан ёшгина Мадамин (Мадамин Маткаримов, Хива туманига кўп йиллар раҳбарлик қилган) югуриб чиққандай бўлди. Олис хотиротлар гирдоби хаёлимни бир нафасда қадим элат ҳаёти қучогига тортиди.

Бу элатда ўз ҳунару усталиклари орқасидан танилган жуда машҳур кишилар яшарди. Шу кунлардаям файзини йўқотмаган бу ўрамда ўтган машҳур аждодларнинг салоҳиятли фарзандлари истиқомат қиласи, баъзилар ота қасби – ҳунармандчилик билан шуғулланади. Комил Девонийнинг чироғини ёқиб ўтирган неваралари Усмонжон билан, Фарҳоджонларнинг бирори қўли гул қурувчи, бирори маг-

нитофон, телевизор тузатадиган уста.

Комил Девонийнинг ўғли Ҳамза ака, «Мевастон» маҳалла фуқаролари йигини раиси Иноят ҳожи билан шоир яшаган уйга замонавий дарвоза орқали кирамиз. Ичкарига илк қадам қўйишимиз билан чап тарафдаги анвойи қизил гуллар зътиборимизни тортади. Гулларга қараб қолганимни илғаган Ҳамза ака:

— Ина шу ер аввал ҳам (отамлар яшаган даврда демоқчи — К.А.) гулжойи эди. Ина бу ерда икки метрча баландликда эни саккиз-туққиз метр, бўйи ўн беш метр чамаси келадиган Чодра (усти тахта пол қилинган айвон) бор эди. Унинг кунчиқарида ҳайбатли гужумлар соясида сарҳовуз бўлмучи эди. Кунботарида Полвон ёп гумбирлаб оқарди. Еп ҳозиргида кичкина, кўримсиз эмасди. Унинг ўнг соҳили баланд рош. Эшигимиз олдида катта-катта, мазали балх туғлари бор эди. Ҳозир шундан бизни эшигимизда биттаси, Хударган муҳркан бобомнинг эшигида биттаси қолган, мазаси шу-шу тотали, бўлиқ-бўлиқ... — Ҳамза ака анчайин жим қолади. Ўйларига ҳалақит бермайман. Ҳудди отаси дўстлари билан жамлашиб ўтиргандай бўлдими, кўзлари равшанлашиб, — Мана шу Чодрада ўтириб отам (Комил Девоний) созанда ёру-биродарлари билан мақомлардан тонготар соз қиласи эди...



Машҳур фотограф Худойберган Девонов шоирнинг уйида олган сурат: ўртада ғижжак чалиб ўтирган — Комил Девоний.

Сангарнинг довруғи шеърларда, қўшиқларда акс этган. Хоразм ҳалфачилитининг етакчиларидан бири, ажойиб шоира Ожиза (Онабиби қори Отажонова) куйламиш:

*Манзил жойим Полвон ёпнинг орқаси,
Мени ҳайрон этди Хива қалъаси,
Полвон ёпнинг сувин болдай мазаси,
Кездим кўп жойларни, Сангар яхшидир,
Сангарда очилган гуллар яхшидир.*

Хивада қарийб барча ҳалфалар бу қўшиқни соғинч ҳисси билан куйлагувчи эдилар. Одамнинг яшаши манзили, ўтирган ўрами, киндик қони тўкилган ерига бўлган муҳаббатини тараннум этгувчи бу қўшиқни қаҷон эшилсан, Комил Девонийнинг: «Жон борича эл ичидан чекма бошингни», дея тақдир тақозаси билан Хивадан Тошҳовузга кетиб яшаган даврида шогирди шоир Партавга ёзган шеърий мактуби кўз олдимга келаверади.

Кези келганда шуни айтиб ўтиш жоизки, «Сангарда очилган гуллар яхшидир», дея куйланишида ўзга бир меҳр бор. Аслида, хиваликлар қадимдан гулга ўч, муҳаббати баланд ҳалқ, аммо Мұҳаммад Раҳимхон соний—Феруз замонида бу нарса, айниқса юрт қизил гулини ўстиришга иштиёқмандлик жуда зўрайган. Устоз созанда Абдушариф ота ўша замонларни биррав кўз олдидан ўтказиб: «Воҳ-воҳ, насини айтасиз, Сангарни кўпригига чиққанда Хивадан келадиган қизил гулни исидан (ҳидидан) бошингиз айланар, маст бўлар эдингиз. Хиваликлар қизил гулни қулоқлари остига қўйиб юришни яхши кўрар эдилар. Хон Ферузнинг бир танобдан ортиқ ерига гул экилган экан. Ҳар замон хон саломга келган фарзандлари, невараларига қиласиган иши гул тақдим этар экан,вой-бўй!.. Хон Пишканик қишлоғида бир гулчига айтиб гужумга гул соптирган» (пайванд қилдирган)

Абдушариф ота сўзларини тамом этмай туриб Оғаҳийнинг ушбу мисраси лоп этиб хаёлга келади:

*Қуалғил томошо қомати зебоси бирла оразин,
Гар кўрмасанг гул бўлғонин пайванг шамшол
устина.*

Дарвоҷе, гул, боғ мавзуида бошқа шоирлар қаторида Комил Девоний ҳам кўп қалам тебратган.

Ва негадир Ожиза қаламига мансуб саналиб кели-наётган «Сангар» шеъри Комилжон акага тааллуқ-лимасмикан, у жонажон Хивасидан, Сангаридан айрилиқ онлари қоғозга туширмадимикан деб ўйлаб қоламан, негаким, «Ожиза Хиванинг «Қушчи Катабоғ» қишлоғида таваллуд топган. («Ожиза. Шеър ва достонлар» Т. 2003 й. б. б.)

Демак, Ожиза «Яшаш жойим Полвон ёпнинг орқаси» дея олмайди, лекин Ожиза Комил Девоний уйида бўлиб, ундан шеър, қўшиқ айтиш илмини ўргангани маълум. Боз устига шоирнинг ўғли Ҳамза акадан «Сангар» отамнинг шеъри, онам Қурбонжон-бикадан эшигтанман, қолаверса, Онабиби қори айтадиган «Манзил жойим Полвон ёпнинг орқаси, Мени ҳайрон этди Хива қалъаси» эмас, иккинчи қатори «Изинга айланар Хива қалъаси». Онабиби қори билан отам кўп ҳамкорлик қилганлар, баъзи шеърларини таҳрир этганлар деганидан кейин, бироз ишондим.

Яқинларда мусиқа муаллими Озод Матёқубов ҳам «Сангар» шеъри устида ўз фикр-мулоҳазалари ни қоралаб юрган экан. Ҳатто шеърнинг «Савти суворий» услубида ижро қилиш нотасини ҳам яратибди. Шундайм:

*Сангарнинг боғигудан олма келтирдик,
Емагик, ичмагик, ўйнаб ўтиридик,
Дастурхон устини гулдан тўлдиридик,
Кездим кўп жойларни, Сангар яхшидир,
Сангарда очилган гуллар яхшидир.—*

деган, Комил Девонийдек забардаст шоир наз-
мидан йироқ сўзлар йигиндисини ўқигач, барибир
анчайин жўн, бу шеър устоз қаламига мансуб
бўлмаслиги керак деб юрдим, бироқ бир суҳбати-
мизда Ҳамза ака Парта в домланинг аламзадалик
билан айтган сўзини қайд этди: «Эҳ, нендин замон
бўлди, кучли газалингни газитларда босмайдилар,
енгил-елли ёзсанг чоп этадилар. Ахири ноиложлик-
дан «Очил-очил» деган мусаддас ёзиб бердим,
босдилар, афсус. Балки, ундей шеърлар ҳам керак-
дир, лекин жуда енгил, жўн.»

Ана шу гапдан кейин, иккиланиш фикрларимни
яна устоз фойдасига йўйдим. Ахир:

*Сангарнинг боғигуда шиша қопилар,
Киргандан сўнг шиша қору*

*Одамлари ваъдасига топилар,
Кездим кўп жойларни, Сангар яхшидир,
Сангарда очилган гуллар яхшидир.—*

дея, ўша замонда ойна—шишали эшиклар ясаш расм бўла бошлиған ва буям Сангарда қурилган иморатларда ишлатилгани, янги топилдиқни содда ва теран ифодалаш Комил Девонийдек шоиргагина насиб этиши мумкинлиги бу шеър устозники бўлса ажабмас деган ўй келаверади. Ва яна бир нарсани таъкидлаш жоизки, Ожиза ҳалфа кейинроқларда шеърнинг кўп жойларини ўзига мослаб ўзгартирган бўлиши ҳам мумкин. Унинг устига оғиздан-оғизга ўтиб баъзи сатрлар анчайин ғализликка юз тутганини кўряпмиз. Адабиётнинг фидойи муҳиби, Республикада хизмат кўрсатган ҳалқ таълими ходими Иўлдош Ҳажиев ўзининг «Адабиётдан ёндош дастур бўйича қўлланма» китобида Ожиза ижодига тўхталиб «Сангар» шеърининг иккинчи бешлигидаги иккинчи сатрини «Шоҳасига ишқу анбар сочилаган», дея берибди, (ушбу китоб 23 б.) ваҳоланки «ишқу анбар» мас «мушки анбар», жудаям тўғриси — «мушк-анбар». Ҳатто УрДУ профессори С.Рўзимбоев ушбу сатрни тўғри бериши билан уям «мушку анбар», деб андак ғализликка йўл қўйган.

Бу Комил Девонийнинг Октябрь тўнтаришидан кейинги даврлар ижод маҳсулидир. Унинг сермаҳсул, мантиқан теран, гўзал ғазаллари юқорида қисман айтганимиздек, ўн етти-ўн саккиз ёшларида кўзга ташланган. Бунга албатта, устози Доийнинг таълим-тарбияси, Навоий, Мунис, Огаҳий, Комил Хоразмийга ўхшаган мумтоз адабиётимиз намояндалари асарларини қунт билан ўқиши, ўрганиш, араб, форс тилларида ёзилган жаҳон адабиёти билан танишиш, тасаввух илмидан воқифлик, Насимий, Фузулий, Машраб ғазалларидан илҳомланиш асосий таянч, фикран суюнч бўлган.

Айниқса, Алишер Навоий ғазаллари шукуҳи ила шеъриятга қадам қўйган Комилжон ҳайрату ҳавасини яшиrolмас, туну-кун машқу мутолаа қилас, ёзганлари ўзига маъқул келмас, ўчириб ёзишдан эринмас эди. Навоийнинг мана шу бир байти унга неча тунлар ором бермаган:

*Гул қулогин чун оғир қилмиш кириб шабнам суви,
Неча, эй, булбул, ишинг доим фифон бўлғусидур.*

Ва ниҳоят Комилжон ҳам гул бобида машқ қилиб кўрди:

*Зеб ила саҳни чаманга бўлди то хандон гул,
Боғ аро булбулни қилди ҳуснига хайрон гул.*

Бу байти замонасининг етук шоири Табибий мақтагач, Комилжон давом қилдирди ва «Мажмуа» та кирди. Табибий унинг ушбу «Мажмуага кирган» тўқсондан зиёд ғазалига алоҳида-алоҳида маснавийлар ёзган. Масалан, китобдаги 306⁷ рақамдаги Девонийнинг «Манга то ул санам ҳуснин намоён эттию кетти», деб бошлинувчи ғазалига мана бу маснавийни битган:

*Бу ҳам фазли Девонийдингур асар,
Ки этмиш зуҳур анда неча ҳунар.*

«Мажмуа»га 1075 рақам билан кирган ғазалида Девоний ҳам шу мақтовга лойиқлигини таъкидлайди:

*Шарҳ этар эрсак ҳолимиз сизга ажаб эмас дурур,
Чунки замона аҳлиниң муншийи номдоримиз.*

Ғазал маҳбубга аatab, ўзини таништириши баҳонасида:

*Сўрсангиз гарчи ҳолимиз, фурқатингизда субҳу шом
Хайли бало рафиқимиз, йиғламоқ ўлди коримиз.—*

Дея айтилгани билан ҳали йигирма ёшга тўлмаган шоирнинг ўз қадрига етгувчи битиклари, унинг етук ижодкор сифатида шакланишидан дарак эди.

У қунт ила изланишлари, ўрганишлари замираша Навоийга эргашиб, тақлид қилмоқнимас, фақат устозининг Хиротда яшаб, ғазалларини соф гуркийда бити-шига ҳайрати баробарида, ўзиям араб ва форс тилларини яхшигина эталлаган бўлса-да, фақат ўзбекча сўзларни ишлатиб гўзал мисралар яратмоқчи, ўз навбатида форсийда ғазаллар иншо этиш умиди ҳам йўқ эмас. Шундай ҳам бўлди — форсийда қатор ғазаллари яради, бу бошқа мавзу.

Навоийнинг мана бу байти-ку, Девоний шуурини неқадар сарафroz этди:

*Қилди чун соқий лаби стиган қадаҳ ҳушингни маҳв,
Қилди чун соқий лаби стиган қадаҳ ҳушингни маҳв,
То абаг зинҳорким, ойилмағайсан, эй кўнгул.*

демасдан соф Хоразмча «ойилмоқ» сўзини ишлатганига ва ушбу лафзга нечоғлик улкан маъною юклаб

ганига қойил қолгаи бу дилбар шоири замон, албатта, ишқий сармаслик завқини ҳам сурган, баъзан тӯғри маънодаги шаробдан мастилигидан айилганда, юқоридаги устози байтини мийифида кулиб тақрорлаганча, ўзининг ҳофизлар хонишидаги машхур «Қасам» мухаммасини яратган бўлса не тоңг:

*Дўстмар, янчинг бошим санги маломатдин бу ғам,
Жойицур ушбу жазо балки манго албатта кам,
Етмасин чунки яна бу нуктадин аҳбоба ғам,
Fуссайи гарду аlam ҳар нечаки ўлдирса ҳам,
Эндишлар май ичмагайман, бодадин қилдим қасам.*

Қаранг, мухаммасда ўқувчи тушунмайдиган бирор сўз йўқ. Уйноқи, содда ва шунинг баробарида ҳамма ҳарфу нуқталари жойи-жойида. Фақат ушбу юқоридаги бешлиқпинг учинчи сатри: «Етмасин чунки яна бу нуктадин аҳбоба ғам»даги «аҳбоба» сўзининг ўрнига, балки нашрга тайёрловчилар, балки босмахона ходимларининг хатоси бўлса керак «аҳбоби» бўлиб чоп этилган, тўғрилаб ёзишга жазм этдик. Ҳамда бешинчи сатрга: «Эндишлар май ичмагайман, бодадин қилдим қасам»ни Узбекистон халқ артисти Ҳожихон aka Болтаев ҳам, у кишининг укалари машҳур ҳофиз Нурмамат aka Болтаев ҳам «Эндишлар май ичмагайман, деб бодадин ичдим қасам», дея куйлагувчи эдилар. Уларга ишонмаслик мумкин эмас, негаким улар бу қўшиқни шоир тирик вақтида, ҳатто у қатнашган давралардаям куйлаганлар.

Мактуб

Инқилобдан яхшиликлар кутган Девоний бошида кўп ўтмай қора булувлар айлана бошлиайди. Сайийд Абдуллахон ва унинг авлодлари, Хиванинг мана-ман деган мансабдорлари, илм-маърифат вакиллари бирин-кетин сургун қилинадилар. Девоний ким? Сарой девони, хон хизматидаги судола фарзанди. Лекин, эл оғзига тушган етук шоир Комил Девоний бу замонда давр нафасини ўз вақтида илғаб, Ватан, миллат, тараққиёт борасида ўз сўзини айтмоқда эди:

*Сўрмоқ негундир бўйла тараққийдан аломат—
Аэроплан эмасму номидори тараққий.*

*Девоний, сен ҳам ватану миллатинг учун,
Жон ила дилинг айла тарафдори тараққий.*

Бу шеър 1920 йили ёзилган. Шунга қарамасдан

боловойларнинг ашаддий тарафдорлари, тушунмай «янги замон» чирогига мой қуяётганлар, бошларига бирдан «Ильич нури» тушиб, босартусарини билмай қолган айрим бесаводлар кўзига аҳли зиё пешқадами Комил Девонийдек забардаст, етук одамлар ёмон кўринар, уларни гоҳ очиқ, гоҳ пинҳона фийбат қиласидилар. Ҳаётдан зада бўлган шоир 1921 йили «Яхшидур» ғазалини ёзди ва бу шеър тез орада ҳофизларнинг севимли мулкига айланади.

*Гар миниб аэроплан, нодон ила учсак ҳаво,
Иккимиздан биримизни ерга урган яхшидур.*

*Сўрсалар оламда, Девоний, не яхши, ман дерам,
Суҳбати ноаҳшудин бўш бўлса зиндан яхшидур.*

Ана шундай қалтис бир вақтда, яъни 1922 йили Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий Ҳивага келади. Ҳакимзода Девонийдек созу суҳбат, назми ўткир ёшлар билан тез тил топади. Академик А.Қаюмов ёзганидек: «...Хоразм ҳалқининг ҳаёти, тарихи, маданияти, адабиёти ва музикасини чуқур ўрганганд, ўз асарига Хоразм куйларидан музика ёзган. ...Драматург Зиннат Фатхуллин ўз эсдаликларида Ҳамзадан эшитган қўйидаги воқеани ҳикоя қиласиди: «Ҳамза Хоразмдалигига «Хоразм инқилоби ёки хоннинг сўнгги кунлари» пьесасини ёзган. Пьесани Ҳива шаҳрининг бадиий ҳаваскорлар колективи саҳнага кўйган. Ҳаваскор артистлар орасида маҳаллий бойларнинг болалари ҳам бор экан. Уларга, албатта, Ҳамза яратган хон образи ёқмаган», («Танланган асарлар» 2 жилд F.Фулом номидаги нашриёт, 1983 й., 120 – 122 б.)

Не бўлгандаям Ҳакимзоданинг Ҳивага ташрифи зиёли ёшлар бошини бир мавсум қовуштирган – меҳмондорчилик, мушоиралар, мусиқий базмлар авж олган. Дастурхонли, одамшаванди Девонийнинг-ку, куни туққан – Ҳакимзода унинг уйида яшаган. Уни руҳан ёқтириб қолгани учун ҳам 1932 йилда туғилган ўғлига Ҳамза дея исм қўйган.

Ҳакимзода Ҳивадан кетгандан сўнг ҳам юраклардаги жўшиқинлик, ўриснинг янги чиққан чиптали конъяги билан шаробли ўлтиришлар анча давом қилди. Бироқ, муҳит маҳсули – оғизорачилик, ҳасадгўйлик, такаббурлик бир-бирларини инқилобнинг кўз илғамас мавту моломат фидираклари остига ота

бошлайдилар. Очиқ кўнгиллиги боис ҳеч кимдан ҳадиксирамайдиган Девонийни бир зиёфатда кўпроқ мақтаб ичираверадилар. Анчайин кайфи ошиб қолган шоир ҳали замон бундай гулу-ғашликлар бўлиб турмайди, Хоразм Республикаси алоҳида ўсиб-улғаяди, ўзимизнинг пулимизни босамиз (у хон замонида муҳрларни зарб этишда фаол иштирок этган, мадрасаю хонақоларнинг қопу, дарвозалари, зулфию ҳалқаларига шеърий парчаларни чиройли ўйиб ёзганига хусусан Хива пулини зарб қилганига ишора қиласди) ва ҳоказолар деб даврада ўтирган айрим «қизиллашган» кекирдакли иштирокчиларни қаттиқ койиди.

Барibir шоир-да, 1922 йили юқоридаги машҳур «Қасам» ғазалини битади.

*Мастлик вақтида тил гуфторидин шармандаман,
Сўз эшиштмай ўз сўзим тақроридин шармандаман,
Дуст олдида забон озоридин шармандаман,
Холима санги маломат боридин шармандаман,
Эндишлар май ичмагайман, бодадин қилдим қасам.*

Шундан кейин унинг бошидаги қора булатлар янада қуюқлашади. Дўстлар унга вақтинча бўлсаям Хивадан қочишни маслаҳат беришади. Маълумингизким, инқилоб талатўми, ўттизинчи йиллар бўхрони боис жон сақлаш илинжида баъзи шоиру созандалар Хивадан, у пайтларда кўздан олисроқ кўринган дарё ортига, Тошқовузга, Илонлига, Чоржўйга қочишган. Гўё у ерлар тинчу қатағондан қутилиб қолиш илинжи бордек. Девоний ҳам бир кечада Тошқовузга ўтиб кетган.

Устозга муносиб шогирд

Устозга муносиб шогирд бўлмоқлик ҳам тириклик аъмолининг ноёб мулки. Бу мулк соҳиби ҳамма замонлардаям муккарраму азиздир. Девоний назарида, унинг ўша машъум йиллар ҳижронига ҳамдард, ҳамнишин бўладиган муттако шогирд – большовийлар тўнтириши даврида мумтоз адабиётимизнинг ёрқин давомчиси сифатида ярақлаб чиққан улкан шоир Партаев эди.

Билҳақ, Матлатиф охун ўғли Ота Маҳзум Партаевнинг (1903 – 1956) ғазалларини, мухаммасларини Хоразмнинг забардаст қўшиқчилари – Мадраҳим

Шерозий, Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов ва бошқа устозлар ихлос билан ижро этгандар. Замона зайли или ўзини одамлардан четга тортган шоир сўзларини бутунги кундаям санъаткорлар меҳр билан айтиб юрибдилар.

*Ётиб ғори панода дийдаи элдин ниҳондурман,
Жунун түғёнигин тиши маломатга нишондурман,
Бу ҳолат бирла гар афсонаи аҳли замондурман,
Кезарман ишқ шаҳристонига бир карвондурман,
Матон ҳусн олурға жон бериб ҳар сў равондурман...*

...Айрилиқда Девонийнинг чамаси турмуши яхши бўлмаган кўринади у Хивага, «Инқилоб қуёши» газетидаги адабий ходим бўлиб ишлаб юрган Партауга бир шеърий хат йўллади.

Албатта, Девоний, Партауга бежиз мактуб жўнатмаган. Юқорида таъкидлаганимиздек, 17--18 ёшларида шоирлар назарига тушган Ота Маҳзумни Девоний ўзига яқин олган. Улар ўртасидаги дўстлик ва ҳурмат умрларининг охирги нафасигача давом этган. Партаув ҳам шоирлардан Комил оғасига кўпроқ суюнгани, ёзганларини биринчи бўлиб унга курсатиб маслаҳат олган содик шогирд эди.

Ота Маҳзум Аваз Ўтарнинг жияни Саодатбикага уйланади. Девоний оташнафас дўсти Аваз ҳурмати тўйбоши бўлган, Петербургдан олиб келган янги скрипкасини тиззасига қўйиб сайратган, қувнаб-яйраб мушоирада қатнашган.

Партаув ҳам устоз хатини жавобсиз қолдирмайди – ўзининг шеърий мактубини йўллади. Девоний шеърий мактубини:

Тақдирни ҳар толеъ вожгун эта билмас,

деган сўзлар билан бошлайди ва «толеъ» калимаси орқали ҳеч қандай давлат иқтидори тақдирни тубдан ўзгартириб, вожгун этолмайди деган маънини илгари суради. Бу билан у Хивадан кетиш сабабининг гўё изоҳини ҳам беради.

Албатта, Партаув буни аниқ фаҳмлайди ва устоз фикрини қувватлаб ёзди:

*Хуш аҳлини дунё ғами дилхун эта билмас,
Дин тарки хирад ҳайлини маъзун эта билмас.*

Чунончи: назари очиқ, ҳушёр одамларни дунё ғами дилхун қилолмайди. Зоро, дин ҳам ақл куч-куватига суюнишга чорлайди, дейди.

Девоний учун юртни тарқ айлаш фақат қисмат ҳукми эмас, балки идрок иши ҳам эди. У ҳижратни Ватан ўрнида кўрганлигини таъкидлайди:

Идрок шла ман тарки диеңни Ватан этдим.

Партав эса ҳали ёш, шўро сиёсатининг ҳийланайрангларини англайдиган даражада эмасди. У «шўролара мардуд,» бўлишдан кўра, уларнинг сафида туриш, янги турмуш, айниқса, янги маданият равнақига ҳисса қўшишга иштиёқманд эди. Унингча, шўро муҳити одамларидан четлашиш, тарқоқликка бош қўшиш ва илм – мърифатдан маҳрум бўлишнинг айни узи ҳисобланарди:

*Эй дил, маданият сори тез айла хаёлинг,
Тарқоқлик эли кашфи Фалотун эта билмас.*

Устозининг дилини оғритмай, қилган ишига норозилик билдиради – тарқоқлик илми Афлотунни кашф қилолмайди, деб жипслашишга чорлади.

Девоний ҳам дил тубидаги ҳасрат ва андуҳини яширмайди:

*Девоний нетай эмди бало заҳрини ичмай,
Май бирла ғамим чорасин афъюн эта билмас.*

Ўз навбатида Партав Жамшид давридагига монанд қурилиш, яратишлардан сўзлайди. Шуларга нисбат берилажак шодлик майидан бошқаси уни мамнун этолмаслигини айтади:

*Жам қурилиш жомини қиша мўл-мўли мабрез,
Бу журъадин ғайри мани мамнун эта билмас.*

Гап шундаки, фикр-қарашларида қанчалик фарқ бўлмасин, Партав устодига эҳтиромини сақлайди ва бир қадар худбинликка берилганини эътироф қилгандай дейди:

*Тил сақла агад таркидин устодинга, Партау,
Худбин сўзи зарбаси азбун эта билмас.*

Яъни, худбин сўзи зарбасини ҳеч нарса тотли – азбун эта билмас, дея куйинади у. Баривир, Девоний қатағон қурбони бўлди. Ин-қилобга ихлос қўйган Партав ҳам бу ёвузликдан четда қолмади. Арзимас бир баҳона билан уни ҳам қамашган, қийнашган. Рӯшнолик кўрмай у 1956 йили вафот этган. Қабри Янгиариқ тумани, Оқмачитдаги

Гулхўжабува қабристонида. Аммо устози Комил Девонийнинг дағы этилган жойи маълум эмас.

Ушбу шеърий мактубларнинг тарихи узун. Бундан ўттиз уч йил муқаддам, яъни 1972 йилда, шаҳар шифохонасида мен билан ёнма-ён давола-наётган Райим Отажонов (Ориф) деган санъат ихлосманди, касби савдогар бўлсаям, озми-кўпми шеърлар ҳам машқ этиб турадиган, закий бир инсон ёддан шу иккита шеърни айтиб берган, мен ёзиб олгандим.

Яқинда қораламаларим орасидан анчайин ранги ўчган ўша кўчирма чиқиб қолди. Қарангки, ўша вақтда Комил Девонийни, Партағни кўрган, гурунг қилган одамлар ҳали ҳаёт эди. Турмуш ғала-ғовурулари, умр тезравлиги, бугун сўрайман, эрта сўрайман деб, шаппотдай қофозга ёзиб олганим бошқа битикларим орасида қоришиб қолиб кеттани боис, ана-мана дегунча шунча йиллар ўтиб кетибди.

Мумтоз адабиётимизнинг бу икки забардаст шоири шеърларини ёд олган, қўшиқ қилиб айтганларга меҳринг ошиб кетади ва бадиий сўзнинг боқийлигига яна бир карра ишонгинг келади.

Ушбу шеърий мактубларни такрор ўқиб, оғиздан-оғизга кўчганиданми, мисралардаги аслият ёддан кўтарилганиданми Девонийнинг тўрт, Партағнинг беш байтинигина айтиб берган эди, холос. Қолаверса, баъзи сатрларда андак ғализлик сезилдики, асл нусхасиз буни ҳам тузатиш қийин. Яқинларда Огаҳий номидаги жамғарма томонидан профессор Н.Қобулов нашрга тайёрлаган Партағнинг «Созга кўчган сатрлар» китоби нашр қилинди. Унда Партағнинг ушбу ғазали етти байт, бироқ сўзлари кўчирмадан айрича бўлсаям, уч байтида ўхшашлик бор.

Райим ака Отажоновдан ёзиб олган кўчирмамни адабиётшунос дўстим Иброҳим Ҳаққулга кўрсатдим. Шеърларни ўқидик. Айрим сўз ва иборалар устида мулоҳаза юритдик. Охири Девоний билан Парғав мактубларини ёзиб олганимдай қолдиришни маъқул кўрдик. Мана ўша кўчмирма:

Девоний:

Тақдирни ҳар толеъ вожгун эта билмас,
Тун зулматин оқ чарх эса, собун эта билмас.

Идрок ила ман тарки диёрни Ватан этдим,
Хушёр бўлса бу шевани Мажнун эта билмас.

Жон борича эл ичидан чекма бошингни,
Хизматни ҳатто эр дема, хотун эта билмас.

Девоний нетай эмди бало заҳрини ичмай,
Май бирла ғамим чорасин афъюн эта билмас.

Партав:

Хуш аҳлини дунё ғами дилхун эта билмас,
Дин тарки хирад хайлини маъзун эта билмас.

Фардеки эмас дарёйи шўролара мардуд,
Муфлислар они дард била дархун эта билмас.

Жам қурилиш жомини қил мўл-мўли мабрез,
Бу журъадин ғайри мани мамнун эта билмас.

Эй дил, маданият сори тез айла хаёлинг,
Тарқоқлик эли қашфи Фалотун эта билмас.

Тил сақла адаб таркидин устодинга, Партав,
Худбин сўзи зарбаси азбун эта билмас.

Қисмат

*Не янглиғ сабр этай, ҳажр ичра мен ёримни
соғиндим,
Юзи гул, сочи сунбул сарви рафтюримни соғиндим.*

Шоирнинг ўн бармоғида ўн ҳунари бўлғани билан суйган еридан, тупроғи кузларига тўтиё бўлган Ҳивасидан, илк муҳаббат тотини шимган Сангаридан айрилиқ уни эзар, дўстлар дийдорига ташна қиласр эди. Яхшиям машҳур Маткарим ҳофиз Тошҳовузда унга бошпана берди, тўю-маъракаларга олиб борди, янги тапқил этилган ҳаваскорлар труппасига ошно этди.

У қўшқаноти, янги уйланган Назар маҳрам қизи Қурбонжонбикани Тошҳовузга олдириди. Лекин у пайтлар кўликида, (эшак, от, кема) асосан пойи-пиёда борилганидан Тошҳовуз узоқ бўлиб кўринган бўлса ажаб эмас. Юрт соғинчи эр-хотин икковини бирдай беҳаловат қилиши боисидан Девоний ҳомиладор Қурбонжонбикани Ҳивага жўнатади ва 1932 йили ўғли Ҳамза она замин қўйнида дунёга келади.

Бу йиллар дарди, «балойи ҳажр»га мубталолиғ Девоний ижодида ҳам юксалиш, «жаҳон қасрини пурхатар» кўрмоқ йиллари бўлди.

*Фигонким, аҳли даврондин муҳаббат орзу айлаб,
Ки ҳар кимга вафо қилдим, басе ондин жафо кўрдим.*

*Очиб ҳасрат била кўэни томоша чори, Девоний,
Жаҳон қасрин таажжуб пурхатар ваҳшат кўрдим.*

Бу янглиғ ҳасрат ила энди Тошҳовузда қололмасди. Яна дўстлар далдаси билан Хивага қайтади. Узбекистоннинг 10 йиллик байрамига атаб 1934 йилда «Ўзбекистон маркази», кўклам экишига боғлаб «Фасли баҳор эрур» (16 апрель, 1935), «Май байрами», Хивада чиқадиган «Инқилоб қуёши» газетасининг 15 йиллигига бағишлиб «Газет» ва бошқа шеърларини яратади.

Девоний ҳар вақт ҳам ўз ижодига содиқ қолган. Ҳатто байрамона шеърларидаим тагмаъноли, қочиримлар қиласиди:

*Тўйи ўн беш йилгайдир, ўтди «Қуёши инқилоб»,
Хоразмдан катта бир ному нишон этди газет.*

Ўтди «Қуёши инқилоб»нинг азобидан қўрқмасликдаги сўз ўйини шоирнинг бафоят усталиги, далерлигидан нишонадир. Яхшиям баҳтига 1935 йили Марказий ташкилотда ишлайдиган Қурбон Берегин Хоразм адабий мұҳити тарихини ёзиш учун уни Тошкентга олдиради.

Девоний бор маҳоратини, хотирот қувваи ҳофизасини ишга солиб, энди эмин-эркин ишлайман деганида қатагон отлиғ машъум арава ўзининг маҳобатли ғилдираклари билан миллат гулларини ззиб, шоирман деган зуккои замонларни янчидек кела бошлиайди. У дардини ғазалларга, мухаммасларга тўқади.

*Ҳар жароҳат малҳамин, эл истар, аммо воқеан,
Қон юрагимни кўринг жуз заҳми пайкон истамас.*

Ва яна:

*Жаҳон тўфон ўлибқур ўигламоқдин ашки борингға,
Тараҳҳум айлабон фурқат аро ағфону зорингға,
Ажаб эрмас қуёш янглиғ етушса шоми торингға,
Хароб ҳолингни, Девоний, рақам то айла ёрингға.
Жафоси не эса тортиб, уммиғ этгил вафосидин.*


Шоирнинг «вафодин этмиш умид»и сўниб, насибаси бу ёрут дунёда тутаган кўринади, айrim шумоёқ ғаламислар гийбатидан ҳибста олинади ва «айб қўювчилар» Хоразмда бўлганлиги сабабли уни

Урганч турмасига жўнатишади. У беайблигини далиллаган сари азоб турларини ишга солиб қийнайдилар. Шоир ўзидан ҳам кўра бошқа маҳбусларга нисбатан қилинган ваҳшийликларга, азоблашларига чидомасдан, ҳалқлар доҳийси Сталинга, турма жаллодларига қарши нафратини ёғдиради:

Уринглар, ўлдиринглар бу пажмурда ишларни,
Уриб нобуд қилди неча—неча йигитларни...

— Дадангизни қачон ҳибсга олишган? — сўрайман Ҳамза ақадан.

— 1937 охирида... Ина, 1937 йилнинг 25-Октябрида дадамдан олинган тилхат бор. Ҳамза ака «Тилхат»ни менга узатади.



Тилхат

Берилди шу ҳақдаким, Исмоиловдан (Комил Девонийдан – К.А.) ёғочга ишлов берадиган 25 дона ҳар турили асбоб-ускуналар олинди. Йигирма беш. 25/X – 37 йомборчи имзо.

Демак, Тошкентдаги ҳунармандчилик корхонаси томонидан Комил Девонийга берилган ушбу ҳужжатта биноан, у 1937 йил охиридаям ўзининг ўймакорлик ишлари билан машғул бўлган.

Ҳамза ака афсус билан эслайди:

— 1937 йили опам (аям) Йўлдош Охунбобоев қабулига боради, лекин у киши эрингизни хоразмликлар қаматган ёрдам беролмайман дейди.

Адолатсизлик қурбони Комил Девонийнинг саси келгандай бўлди:

Қонға ботсин жисмим ишқ ўтиға сўзон ўлмаса,
Қўр бўлсин кўз жамолига нигоҳбон ўлмаса,
Тандин айралсан бошим куйида қурбон ўлмаса,
Барҳам ўлсн жоним улғам бирла тўфон ўлмаса,
Ҳар бири тўфониғами онда бу жон ўлмаса...

Не хушҳолким, унинг ғазалларини тириклигида
Хоразмнинг етук созандалари ҳандай муҳаббат
 билан айтган бўлсалар, бугун ҳам худди шундай –
«Суворий»ю «Савти»ларда баравж куиланяпти.

Ўзининг истеъодиди, ҳунармандлиги билан аҳли
зиёга маъқул бўлган Комил Девонийни шоирлар,
созандалар, ҳунарманд усталар бирдай яхши кўр-
ганиларини хиваликлар то ҳануз ўзга бир меҳр билан
айтиб юришиади.

Фақат ҳозирги ҳофизларга андак хуш тила-
гимиз – ушбу мухаммаснинг юқоридағи биринчи
бандаги «Ҳар бири тўфониғами онда бу жон
ўлмаса»мас, «Ҳар бир ул тўфониғам ҳам онда бу
жон ўлмаса» деб ҳамда охирги бандини бундай
хатолиғ билан эмас:

Шоми ҳижрон даштида табгир Деғоний қулур,
Ёр хатти холини тасвири Деғоний қулур,
Бевафолиғ шиквасин тақрири Деғоний қулур,
Ҳажр туммори бу нав таҳрири Деғоний қулур,
Заъфарон ҳожат сиёни ранги сомон ўлмаса.

Балки, Партағни шоир ўғли дафтариға ёзиб
берган, мана бу тариқа тўғри ижро этсалар маъқул:


Шоми ҳижрон даштида шабғир Деғоний қулур,
Бенаволиғ шиквасин тақрири Деғоний қулур,
Ёр хатти холини тасвири Деғоний қулур,
Ишқ тумморини хўш таҳрири Деғоний қулур,
Заъфарон ҳожат сиёҳий ранги сомон ўлмаса.

Бир ғазал шарофати

XIX асрда адабиёт ва санъатга бўлган ихлос
кattaю-кичиқда бирдай юксак бўлганини, озми-
қўпми гувоҳлигимизданми, инкор этиб бўлмайди. Ва
ажабким, адабиёт аҳлиниң ҳам, санъат аҳлиниң
ҳам касбдошлиарига бўлган, айниқса устозларга
бўлган эътиқоди ҳар ҳандай таҳсинга лойиқ. Ал-
батта, шахсга сифиниш йиллари бундан мустасно,
негаким, мағкуранинг ўзи барчани бир-бировга душ-
ман қилиб қўйган ҳамма замондаям талантсизларни-

нг куни туғиши табиий. Барыбир, гүзәл шеърга, гүзәл құшиққа, бир сүз билан айтганда гүзәл асарларга муҳаббатли одамлар ўта қалтис шароитларда ҳам эътиқодларига содиқ қоладилар. Шунданми, жонини хавф-хатарга қўйиб, «халқ душманлари»-нинг асарларини хонадонларида яшириб, эъзозлаб юрган одамлар номини эшитганда юракларимиз гурурдан ҳаприқиб кетади, кўзларимизга ёш қалқиди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Отамахсум Партағ 1951 йили устозининг «Қонға ботсин жисмим ишқ ўтиға сўзон ўлмаса», дея бошлигадиган мухаммасини унинг ўғли «Девонийча» тахаллуси билан шеърлар машқ этиб юрган Ҳамзанинг йўл-йўл чизиқли дафтарига ёддан ёзиб берган.



Куни кечаки бетлари сарғайиб кетган ушбу даф-тарда Партағ домланинг эллик тўрт йил муқаддам кириллда ёзган дастхатини кўриб қувониб кетдим. Ҳамза ака гапирияптилар, менинг кўз ўнгимда эллик йил муқаддам кўрганим, Партағ домланинг устоз мухаммасининг ҳар сатрини сиёҳли қаламда ёзаётганида нигоҳлари нурланиб, хушсуврат оқ юзларида ғазал завқи акс этади... Бундай қарасам, Ҳамза ака ёшланган кўзларини аста артаяптилар. Энди бирдан юрагим увишиб кетди. Магарам отаси Девоний отадан ўн уч ёшида етим қолган бўлса, Ҳамза беш ёшида отасидан айрилган. Кейин бир замон бир замонга ўхшамайди. Девоний амакиси қўлида очлик не, хўрлик не кўрмаган, Ҳамза эса пароканда бўлган оиласда боқувчисиз она қўлида қолиши катта фожеа

эди. «Халқ душмани»нинг ўғли бўлиб ўсиш, улгай-иши кўз олдига келтирсангиз даҳшатдан этингиз жимиirlаб кетади.

Комил Девонийнинг эгнига ташланган чакмон пўстиндан чиқиб турган ўнг қўлида папирос билан тушган сувратига қарайман. Унинг яқин дўсти Ўрта Осиёда кино санъатига асос солган, Хоразмнинг илкки фотографи Худойберган Девонов олган суврат. Комилжон аканинг бошида XIX асрда Хоразмда расм бўлган қора чўгирма, эгнида уша давр зиёлилари киядиган камзул устидан, қўзи терисидан ишланган чакмон пўстин ташланган. Ақали кўзларида ўзига ишонч, доини юзларида мулойимлик, суҳбатга мойиллик бирдан меҳрингизни қўзғайди, ажаб соғинч ҳиссияти қалбингизни чулагайди. Худди ҳозиргина қай бир базмда ғазалхонликдан чиқиб, деяёттандай:

*Нармасоз ўлонга шўхангез Девоний сўзин,
Аҳли маҷлис тингласа, қайси ғазалхон тингламас.*

— Отам вазири Акбар Исломхўжа билан Москва, Петербургта борган сафарларини бирида 1671 йилда ясалган скрипкани Хоразмга биринчи бўлиб олиб кслади ва тиззасига қўйиб, миллий услугуда чалишни жорий қилади.

Ҳамза аканинг бу ҳавасли сўзи мусиқамиз тарихига кирмиш ойдинлик эди. Биз камтарона ерга боқиб ўтирган солиҳ фарзандга меҳр билан боқдик.

Ешилигидан машҳур бўлган ҳофиз Мадраҳим Шерозий Усмон Юсупов иштирок этган бир даврада «Салом, эй шамъи маҳфил матлаи анвор хуш келдинг», дея бошланувчи муҳаммасни «Суворий»га солиб маромида ижро этгач, Усмон ака сўраган:

— Бу кимнинг сўзи?

— Шоир Отамахсум Парставники,—деб жаноб берган Усмон аканинг ашгула сўзи билан қизиқиб қолганидан суюниб Шерозий.

— Истеъоди баланд шоир экан.

Усмон Юсуповнинг шу бир оғиз сўзида Парстав тақдирига раҳнамолик истаги акс этган эди. Қаранг-ки, кейинчалик қатағон қурбони бўлмиш Партанни юқоридаги ҳамда «Етиб гори панода дийдаи элдин ниҳондурман», дея бошланувчи муҳаммаси учун Усмон Юсупов уни ҳибсдан озод қилдирив, Янгийўл театрига адабий эмакдошлик вазифасига қўйдирған. Бу савоб ишда Ўзбекистоннинг машҳур ҳофизи

Жўрахон Султоновнинг ҳам хизматлари катта бўлган дейишиди. Не бўлгандаям забардаст ҳофизлар суюкли шоирларини мавруди келди дегунча кўз-кўз қилишга, ён босишга рағбат сезганлар, бир-бirlariga суяпч бўлоғанларидан қувонгандар. Уша куни ҳам Усмон аканинг шеъру согза муҳаббати юксаклигидан рұҳланган Шерозий «Савти суворий»га Девонийнинг ушбу матлаъ ила бошланувчи газалини ўзга бир меҳр билан куйлади:

Чок этиб чиқдим садаф кўксини, гавҳар бўлмадим,
Ташналаб дарё аро кирдим, лаби тар бўлмадим...

Қўшиқ сеҳрига чўмиб кетган Усмон Юсуповнинг юзу-кўзларидағи ботиний зуҳурдан, ашуладан ажиг қониқиши олаётгани Шерозийни янада жўшиб ижро этишга илҳомлантиради. Қўшиқ тамом бўлгач, Усмон aka ҳофизни мақтаб, тагин сўз соҳибини сўрайди.

— Комилжон аканики, Комил Девонийники, — дейди Шерозий шошиб..

Шерозийнинг Комил эмас, Комилжон дея кўкси тўла меҳр билан айтиши Усмон aka қизиқишини янада баландлатди.

— Борми бу шоир?

— Йўқ, ифво қурбони бўлди. «Дабсан»да («қатагон»да — ...деб айтибсан»да) кетди. 1938 йили Урганч турмасида вафот этган.

Үртага ноқулай жимлик чўқди. Шерозий дуторини тиззасига қўйганча оғир хўрсинди.

— Үғли борми? — дея сўрашда давом этди Усмон Юсупов жимликни бузиб.

— Ҳованг, бир ўғли бор, ўн ёшларида, оти Ҳамза. Ҳамза Ҳакимзода номига қўйилган. Девоний Ҳакимзода билан яхши эдилар. 1922 йилда Ҳакимзода Хивага келганида у кишининг боғчасида яшади. Ай, Девоний кўп шинаванда, дастурхонли, ўтиришмачи одам эди раҳматлиқ. Ёш кетди. Эллиқда эди. — Даврадагилар, айниқса Усмон aka иштиёқ билан қулоқ қўяётганидан Шерозий Девоний тўғрисида очилиб-роқ гурунг берди, — У киши фақат шоиргина эмас, амакиси Ҳударган муҳркандан муҳр, нақш ўйини, хаттотлик сирларини ҳамда Хоразм олти ярим мақомини тўлиқ ўргангандан уста созанди эди. Фижжакни сайратар эдилар. Танбур билан дуторни-ку сўзлатар эдилар, насини айтасиз.

— Шундай одамларни сақлай олмадик-да...

Усмон аканинг дил тубидан чиққан бу надомат даврнинг қабоҳатидан, маънавиятнинг залолатидан далолат эди. — Усмон ака Шерозийга қараб сўзида давом этган, — Девониййинг шу ўғлини Тошкентга, менинг ҳузуримга олиб боринг. Ўзимиз тарбия қиласиз.

— Баракат топинг, илойим мингта киринг, марта-бангиз бундан да юқори бўлғай, — худи ўзига қилинаётган илтифотдан боши осмон бўлаётгандай Шерозий Усмон акага таъзим қиласизга кўп илтижо қилди ва каттанинг истагига яраша ашулани авжлантириб юбораверган...

Мен эшигтанларимни хаёлимдан бир-бир ўтказиб, бетлари саргайиб кетган дафтарини аста варақлаётган, суҳбатдошим Ҳамза акага қарайман.

— Яхшиям отамнинг шеърини Мадраҳим акам Шерозий Усмон Юсуповга айтиб берган экан, у кишининг меҳрлари тушиб, мени ўз тарбияларига олдилар. 1943 йилдан то 1956 йилгача Тошкентда, Усмон отамнинг дала ҳовлисида яшадим. — Ҳамза ака бирдан жонланиб кетди. — 1943 йили Шерозий ота мени олиб Тошкентга жўнадилар, ёнларида иккинчи ўғиллари Сайдназар ака ҳам бор эди. Амударёда пароход билан Чоржўйга бордик, кейин поездга миниб, аввал Янгийўлга, сўнг Тошкентта, Усмон отанинг Дўрмондаги дала ҳовлиларига бордик. Усмон ота бизни жуда яхши кутиб олдилар. Шерозий отам билан узоқ гурунглашиб ўтиридилар ва суҳбат охирида дача директори Мирзарайим ака Собировга бизни болалар русча ўқишиди, сиз бу болани ўғил қилиб олинг дея мени унга топширидилар. Мирзарайим аканинг бир қизи, бир ўғли бор экан. Мен учинчи фарзанд бўлиб яшаб қолдим. Жуда бамаъни одамлар экан, бирор камчилик кўрмадим. Дўрмондаги Пушкин номли № 24 мактабни яхши баҳолар билан тамомладим. Тўқимачилик техникумининг қурилиш бўлимими туттаглаб, йўлланма билан Қаршига бориб қурилишда ишладим. Опами олдиридим, лекин опам хасталангач, 1958 йили Хивага келдик, уйландик. Ўлмасин олти ўғил, олти қизимиз бор. Мана сувратлари. Булар, — кўрсата бошлайди Ҳамза ака, — ўғиллар, булар келинлар. Мана булар қизларимиз күёвлари билан. Худога шукур бари аҳил, иноқ яшашади.

Сал тин олгач, олти ўғил, олти қиз — ўн икки фарзандни дунёга келтирган аёлини Ҳамза ака ўзга

бир меҳр билан ардоқлайди:

— Раънобиби Исфандиёр хоннинг 1916 йили тугилган Моҳпошшабика отлиғ қизидан бўлган, хоннинг невараси... — Ҳамза ака сал тин олиб,— аммам, Амина аммам, отам аҳволиётини, умуман оиласиз тарихини кўп билгувчи эдилар, раҳматлик,— дейдилар. Сўнг, бирдан кўзлари нурланиб,— амакиларим ичида Юсуф амаким отамнинг содиқ шогирдлари бўлган,— дея уларни фахр ила тилга оладилар.



Юсуф муҳркан



Амина ова



Раънобиби

— Моҳпошшабика Исфандиёр хоннинг қайси хотинидан тугилган экан?

— Ӯғилжонбика деган хотинидан.

— Моҳпошшабика қачон вафот этганлар?

— 1980 йили қайтиш бўлдилар.

— Ўзингизни опангиз-чи?

— 1970 йили, етмиш ёшлиарида эдилар...



Шоирнинг ўғли Ҳамза ака онаси Қурвонжонбика
Назар маҳрам қизи билан

Гурунгни Усмон Юсупов шахсиятига бураман, негаким, санъатимиз энди ривожланиб келаётган вактда мисли кўрилмаган қатағон миллатнинг асл фарзандларини йўқ қилди. Бу катта йўқотиш эди. Қатағон – давр ихтилофлари билан келган улкан оғатни тўхтатиш ҳеч кимнинг қўлидан келмаган. Ана шундай парокандаликни бошидан кечираётган ҳаётни яхшилаш, одамларни зарбдор меҳнат жабҳасига йўналтириш, омон қолган, қўлидан иш келадиган аҳли зиёни бошини силаш, маданиятни, маънавиятни юксалтириш энг долзарб вазифага айланган. Бу ишни уддасидан чиққан раҳбар – Усмон Юсупов.

Республика раҳбарининг адабиёт, санъат учун бу қадар жон куйдириши, фидойилик билан зиё аҳлини қадрлаши, айниқса қатағон йилларининг очарчилик, усти юпунлик, хор-зорлиқ даврида кўз илгамас талогўмда омон қолган, нафақат маданият ривожига нафъи тегадиган каттаю-кичикнинг бошини силаши, балки Ҳамзага ўшаган соҳиби талантларининг етим қолган фарзандларини ҳам меҳрибонлик ила ғамхўрлик қилиши беқиёс улкан таҳсинга, алоҳида битикка лойиқ.

Билҳақ, наинки маданият ва маънавиятнинг, балки юксалишнинг бир соҳаси йўқки, Усмон Юсуповнинг номи билан боғаиқ бўлмаган. Уша пайтда техникасиз, маблағсиз қирқ беш кунда Катта Фарғона канали қазувидан тортиб, Чоржўй – Кўнғирот темир йўлининг қўрилишида уруш азобидан, айрилиқлардан толиқиб чиққан ҳалқни зарбдор бунёдкорликка сафарбар қилиш, ёнма-ён туриб ишлап ҳар қандай раҳбарнинг ҳам қўлидан келавермайди. Унинг учун эл манфаати, юрт равнақи ҳар недан улуғ бўлмоғи даркор.

Алишер Навоий номини улуғлаш, уни ҳалқа яқинлаштириш учун Усмон отанинг қилған хизматлари беқиёсdir. Навоий таваллуддининг 500 йиллигини Республикаизда кенг нишонлашга бутун мамлакат эътиборини қаратиши, шу муносабат билан дунё юзини кўрган Ойбекнинг «Навоий» романи, Уйғун билан Иzzат Султоннинг «Алишер Навоий» драмасию яна қанча достону балладалар, қиссаю мақолалар, Москва ва Ленинграддан махсус олимуму мутаржимларни таклиф этиб, рус тилига таржима қилинган шоҳ асарлар миллатимиз мулкига айланган. Иккинчи жаҳон урушининг бошланиб кетгани билан бу кенг кўламли иш кейинга суринган.

Усмон Юсуповнинг ўзбек театри юксалишига бўлган муҳаббати алоҳида мавзу. Йиккинчи жаҳон урушининг жаға – жағ вақтида Навоий номидаги серҳашам опера ва балет театрни Тошкентнинг қоқ марказида (Дарвоҷе, театрга кираверишдаги эшик нақшларини Комил Девонийнинг амакиси Худойберган муҳрканнинг ўғиллари Юсуф муҳркан, Хива залидаги ўймакорлик ишларини Собир Худайбергановлар ишлаган.) қурилиши, шунингдек, Бешоғоч майдонида Муқимий номидаги бетакрор ҳайбатли мусиқали драма театрининг барпо этилиши ҳам бу табаррук зот номи билан боғлиқ. У кишининг бу янглиғ қилган улкан ишларини, меҳрибонликларини, ғамхўрликларини ҳамиша ичкин бир ҳавас билан алқайдилар.

Биттагина мисол: Миллий театримиз забардаст актёри Шукур Бурҳоновга У.Исмоиловнинг «Рустам» драмасидаги Рустам монологини зални титратиб ижро этганида, унга «Ўзбекистон ҳалқ артисти» унвони берилиши томошабинлар кўз ўнгида, Усмон аканинг саҳнага чиқиб, ҳалқ олқишилари остида эълони билан берилганини театр муҳлислари то ҳануз илиқ меҳр билан эслашади. Ҳали «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонига эга бўлмаган ёшгина актёрни бу қадар юксакка кўтариш ўз самарасини берганига, Шукур Бурҳоновнинг номи дунёга ёйилганига тарих гувоҳ. Ҳудди ёш шоир Иқбол Мирзонинг мустақиллигимиз байрами ўн уч йиллигида «Ўзбекистон ҳалқ шоири» унвони билан мукофотланиши, Президентимиз Ислом Каримовнинг узоқни кўзламиш шарофатига мангзайди. Шу боисдан ҳам юртни, элни севадиган, Ватаннинг эртанги кунини нурафшон кўриш истагида куйиб-ёниб яшайдиган шахсларгина бу янглиғ ботиний нурафшонликка – узоқни кўра билиш ҳислатига эга, абадийликка даҳлдордирлар...

– Мана, бутун 2005 йил, 4 декабр, Иноят ҳожи билан айттирган экансиз, хонадонингизда тузнамак бўлиш насиб этди, – дейман илиқ меҳр билан Ҳамза акага, – бирга келдик. Мана, Жуманазар ҳожи ота ҳам қўшилдилар. Раънобиби билан умрларинингиз узун бўлсин, қўша қаринглар, ўғил-қизларингизнинг келин-куёвларингизнинг, невара-чевараларингизнинг баҳту таҳтига суюниб яшаш сизларга ҳамиша мусасар бўлғай. Илоё, уйингиздан ҳечвақт баҳт аrimасин, омин.

Ушбу битикка шоирнинг тақдирида алоҳида ўрин туттган шарофатли ғазалига мухаммас боғлаш билан нуқта қўймоқни ният этдим. Фақат шоир девонида чоп этилган бу ғазалнинг охирги байтидаги «Суд йўқ, Девониё, гаҳ бўлдим, гаҳ бўлмадим» мисрасидаги «гаҳ» ё ноппирлар, ё хаттотлар хатоси бўлса керак, тузатишга жазм этдим. «Суд йўқ, Девониё, гар бўлдиму гар бўлмадим», дейилса, тўғри бўлар, нега десангиз, мантиқан шоир «умр ўлди охир», энди мен бўлдим нимаю бўлмадим нима, фойда йўқ деяпти, қолаверса табиийки, ғазал қоғияси шуни истаяпти.

Девоний ғазалига мухаммас

Гул бўлиб гулзор аро ўсдим муаттар бўлмадим,
Оҳ уриб айтдим ғазал рифъати афсан бўлмадим,
Неки корни хуш кўриб, устозга мангзар бўлмадим,
Чок этиб чиқдим садаф кўксини, гавҳар бўлмадим.
Ташналааб дарё аро кирдим лаби тар бўлмадим.

Ўтмайин деб шунчаки бечораи жон сонида,
Оқил ул ҳар кимки бўлдим эртаю кеч ёнида,
Бу умр мезони йўқми шарҳу Шарқ баёнида,
Жаҳд этиб ғоятдин ортиқум талаб майдонида,
Лашкари фикримга сар бердиму сафдар бўлмадим.

Навжувонлиғда писандму айламаклик навҳасоз,
Дил таманноси висол айшини сурмоқ сарфароз,
Кўп навозиш кўрсатиб ёқди париваш сарвиноз,
Нақди жоним шуълаи оташ аро қилди гудоз,
Нуқраи жонима заргар бўлдиму зар бўлмадим.

Аҳли ишқ айтинг вафолиғму сабаб бўлмоққа шод,
Унда не мен телбани қилмас севарим асло ёл,
Ахтариб асрорини толмас кўнгил истаб нажот,
Эл ҳама комига топди васлида айшу нишод,
Манки, ғам заҳрин ичиб, сармасти соғар бўлмадим.

Ишқида ёнди дилим, бўлдим фалак фасонаси,
Не фалак фасонасиким, балки чарх афсонаси,
Не дурур ор эл аро кулги, мазаҳ нишонаси,
Неча йил бўлдим жунун даشت аро девонаси,
Ҳамдами бир лаҳза ул шўхи ситамгар бўлмадим.

Дейдилар дийдор меҳр событилиғига рустким,
Мосуво бўлмай десант, дўстдан ўтирма юзким,
Тарки атвон қусридин йўқдир омонлиғ, баским,
Орази оинасидин айрилиб афсуским,
Тўтии лол бўлдиму лекин суханвар бўлмадим.

Кони гафлатда аёнмас хасталиғ, ё соғалиғим,
Толеи йўлимни банд этмиш надур суволиғим,
Камчилимми ботишан сир, зоҳиран ясоғалиғим,
Аҳли дониш мажлиси ичра кўрунг расволиғим,
Беҳунар бўлдим vale ҳаргиз ҳунарвар бўлмадим.

Толеим дун эрмаса, бўлғайми мавжи ишқ сароб,
Неча қиадимким савол топмам бирига ваҳ, жавоб,
Сели ғамдин кўзларимда оқди қонлар беҳисоб,
Кишвари жонимниким Доро нафас этди хароб,
Ман ани фатҳ айламаклиқда Скандар бўлмадим.

Ишқ орзусин этар дунё юзинда ҳар киши,
Авжланар шайдолиғи кетса магар ақлу хуши,
Гаҳ лавандлиғ, таҳ фириб этса кетар қўлдан иши,
Ўйла саркашлиқ аён этди манга толе қупши,
Бахт ила давлатга мансуру музaffer бўлмадим.

Субҳи содиқ кўнглима солганда хуш кайфу сафо,
Дўст тутунгнага илиндим, тутмайин ўзим ҳаво,
Зарра янглиғ эътибор кўргизмади, ё раб, раво,
Кимга-ким қилдим вафо, бас кўрдим андин минг
жафо

Иўқ далилким чархи кажрудин муқаддар бўлмадим.

Англадим, Комил Аваз, бисёр экан дунёнгда сир,
Бўлма ҳайрон не ажаб олам ғаройиб кенг масир,
Бари бўлди, ишқ аро дилда армон қолди бир,
Бўлмайин дилдора улфат эмди умр ўлди охир,
Суд йўқ, Девониё, гар бўлдиму гар бўлмадим.



Ушбу битикда Комил Девонийнинг 1906 йилда чоп этилган «Мажмуат-уш си шуаройи Ферузшоҳий»га кирган тўқсон уч ғазалини беришни маъқул кўрдик. Ғазалларни шоирнинг невараси Комил Комилов тақдим қилди. «Мажмуа»да қандай чоп қилинган бўлса, шу тартибда бердик. Араб имлосидан кирилла гутказиша айрим ҳарф ва сўзларда андак ғализлик топсангиз, Оғаҳий ҳазратлари: «ислоҳ бериб, қоидага мувофиқ тузгайлар», деб ёзганилариdek, бизнинг ҳам узримизни қабул айлаб, айбга санамассизлар, зеро беайб Парвардигордир.

* * *

Зиҳий сунъинг қилиб оламда юз нашғу намо пайдо,
Ҳам икки ҳарф бирла айладинг арзу само пайдо.

Таажокуб бу тафаккурдин хирад аҳли келиб қосир,
Вужудингта қилурда ибтидо-у интиҳо пайдо.

Не тан бор эрди, не жонким, камоли файзи шавқингили,
Хушю, қиоддинг кўнтил миръотига нури зиё пайдо.

Биронга айни лутфинг бирла бердинг гул киби ораз,
Биронда булбул осо айладинг юз минг наво пайдо.

На ҳосил бўлгуси билмас мароҳил қатъидин ҳар дам,
Қилур жонига солик юз туман ранж-у ано пайдо.

Мани ҳам дурри лутфинг восили қил айламай маҳрум,
Керак хок остидин бўлса ҳама явм ул-жазо пайдо.

Бериб мақсуди не эрса, вужудидин асар қўймай,
Илоҳи, айлагил Девонийга қасри фано пайдо

* * *

Мүшкілім журм ичра күбдур ё раб, осон эт манга,
Гарчи ожизман майи лугфинг фаровон эт манга.

Ман ҳазинга фисқ ила роҳи талабдур тиyrалик,
Шамъи шавқинг бирла матлубим намоён эт манга.

Файридин күнглум қушин побаст этибон ҳар саҳар,
Хавфи маҳшардин күзумни асру гирён эт манга.

Ҳажр аро афтода ҳолимға иноят айлабон,
Ҳамраҳим жаннат аро ҳур ила гиммон эт манга.

Журм ила фарсада ҳолимға жазо таркин қилиб,
Лутф ила маҳшар куни журмимни пинҳон эт манга.

Не эса дашти залолат ичра гар феъли хато,
Шармисор этмай vale афв айла, эҳсон эт манга.

Лойи исён ичра күб оғуштаман Девонийдек,
Баҳри ғуфронингни ё раб, эмди жўшон эт манга.

* * *

Эй ҳуш эрур туфайлидин арзу само бино,
Етсун салом беҳад ўшал шохга борҳо.

Тартиб аро келиб ҳама мурсал охирида,
Рифъатда лек бўлди борисидин ибтидо.

Икки жаҳонда на эса комини топғуси,
Йўлида ҳар ким этса анга жонини фидо.

Юз йил чоги жаҳон аро тинмай қилур эсам,
Имкони йўқ чу мадҳини қилмоқ манга адо.

Бошлиб раҳи саломата маҳшар куни хушо,
Умид эрурки умматига бўлса раҳнамо.

Фахр айламак жаҳон ароким ажзи фақрға,
Одат эди қаноат, ҳилму ҳаё анго.

Маҳшар куни ҳимоят ила раҳбаринг эса,
Девониё не ғам санга ул шоҳи анбиё.



* * *

Фигор эттан күнгүлни тийри мужгонингға салламно,
Жаҳонға фитна солғон чашми фаттонингға салламно.

Саросар шавқдин қон айлагон афгор күнглумни,
Қизил гул гунчасидек лаъли хандонингға салламно.

Тараҳұм қылмадинг, дедим санға бу шарҳи ҳолимни,
Дегай ҳар кимса күрса чиқмағон жонингта салламно.

Қилиб қатл ишқ әлині зулми бедодингни бунёди,
Жаҳон бўстонида эй шўх, шоёнингға салламно.

Кўнгилдин сабру оромим паришион айлади охир,
Тонг эрмас гар десам зулфи паришонингға салламно.

Чу адл аҳд ила маъшуқ айлабон сўнг минг жафо қиқдинг,
Манго ёлюндин айттон аҳду паймонингта салламно.

Фироқи шиддати шарҳини Девонийға бу тартиб,
Дегай Девониё назм аҳли девонингға салламно.



* * *

Кулбама кел мақдамингә йүқ ила борим фидо,
Не йүқ ила бор балки жони bemорим фидо.

Бир күрубон суратингни шавқинг ила, айладим,
Дини исломимни, эй, хуршиди рухсорим, фидо.

Сўргали ҳоли харобим масканимни маскан эт,
Сарбасар бўлсин санга пинҳону изҳорим фидо.

Марҳамат зоҳир қил эмди, жону кўнглумдин асар,
Қолмайин бўлди санга, эй, чашми хунхорим фидо.

Боғ аро кирсанг агар, сарв ўзни бешак қиласуи,
Қоматинига рашик ила, эй, сарв рафторим, фидо.

Жонини қурбон этиб шавқинг била субҳу масо
Қилмағон борму ўзин даҳр ичра, эй, ёрим фидо.

Жону дилни садқант айлаб, айладим Девонийдек,
Ҳам матои васфинга бу нақди ашъорим фидо.

* * *

Ёндим ғамингдин сар басар, раҳм айлагил, эй, дилрабо,
Ҳажринг тунидин күзларим зулфинг киби бўлди қаро

Недур гуноҳим билмадим ман нотавонинг, эй, пари,
Тун-кун қилурсан, ҳолима раҳм этмайин, жавру жафо.

Ҳар неча жон қилса фидо, афсуским, ишқ аҳлиға,
Ҳижрон аро ҳусн аҳлидин бир заррадек йўқдир вафо.

Муҳлик фироқи ичра гар фарёд қилсан неажаб,
Ул сангдицдин бўлмайин ҳаргиз менинг комим раво.

Ман хастаға боқмай даме ул моҳи пайқар дамбадам,
Кўргузгуси ағёрға ҳаддин фузун лутфу ато.

Яқубдек субҳи масо ул моҳи Канъондин йироқ,
Байтул-ҳазандә иш манга чекмак эрур ранжу ано.

Беҳуда меҳнат чекмагил маҳзун ўлуб Девониё,
Ҳусн аҳлидин меҳру вафо уммидибур айни хато.



* * *

Тута олмай шавқ асрорини жонда,
Хазини музтариб бўлдим жаҳонда.

Фироқи дарддин орому сабрим,
Тонг эрмас йўқ эса ҳеч бир маконда.

Зиёд айлар жафосин дамбадамким,
Нечук бўлмай мане маҳзун фифонда.

Чекиб ҳажр оғатин саргашгадурман,
Вале билмон эрур ёрим қаёнда.

Фифон этсам ажаб йўқ рўзу шабким,
Даме зулмидин ўлмасмен омонда.

Хирад аҳлиға ҳаргиз мумкин эрмас,
Жафоси шарҳини қилмоқ забонда.

Сўзинни бас қил, эй Девонийи маҳзун,
Адо бўлмас анинг васфи баёнда.



* * *

Ҳаводисдин етиб маҳзун дилимға хайли ғам, ё раб,
Вужудим сарбасар анқо киби қилди адам, ё раб.

Ичар ишрат майин ул нозанин ағёр ила түн-кун,
Насиб эркон мантә ҳижрон аро жом ичра сам, ё раб.

Узорим сарсари фурқатдин ўлди заъфарон ёнглиғ,
Алифдек қоматим хам ё киби ранж ила хам, ё раб.

Фироқи шиддатидин ўлгали етдимки раҳм этмас,
Чекиб озору жавру меҳнатини дамбадам, ё раб.

Ул ойнинг базм васлиға етурғил айламай маҳрум,
Ҳазин аҳволима эмди қилиб лутфи карам, ё раб.

Вафони тарк згиб, лекин жафо расмин қилиб оҳанг,
Қарор-у тоқатимни айламишдур мунҳадам ё раб.

Ҳазин Девонийға ваҳдат майини айлагил эҳсон,
Бўлубдур поймоли кулфату ранжу алам, ё раб.



* * *

То кўриб ҳуснингни ман хуршид ёнглиғ бениқоб,
Заррадек жунбуш била айларман эй гул изтироб.

Фам юкидин ҳажр аро жам бўлди охир қоматим,
Васлинга еткургил эмди қилмайин зулму азоб.

Бас қилиб бедодинги жонинг учун эй сангдила,
Қил тараҳҳум ҳолима чеқдим ғамингни беҳисоб.

Гул фироқида чу булбул нола айлаб ҳар саҳар,
Оташи ҳижронинг маҳзун кўнгил бўлди кабоб.

Сўрмайин ман телба ҳолин фурқат ичра бир йўла,
Ваҳ, рақибинг бирла тун-кун нўш этиб гулгун шароб.

Бермади кечлик била комимни бир соат дариг.
Ё илоҳи, айлагил ушибу фалак тоқин хароб.

Тобғасан албатта коминг кир харобот ичраким,
Айлабон Дейвонийдек эл сухбатидин ижтиноб.



* * *

Дедим: гирифтор айладинг анвори ҳуснинг кўрсатиб,
Дедики, куйдургум сани ҳажр ўти бирла ўртатиб.

Дедимки, етмай васлинга фурқат ўтидин зорман,
Дедики, еттунг васлима Мажнунга ўзни ўхшатиб.

Дедимки, эй дилбар манга жилва қилурсен не сабаб,
Деди: ҳалок этгум сени қошу кўзимни ўйнатиб.

Дедим: лабингни шарбати шавқидин ўлгум ҳажр аро,
Дедики, жон топғунг дурур васлим аро они қотиб.

Дедим: фироқинг дардидин жисмим фигор ўлди басе,
Деди: фигор этдим они, қилдинг ғалат новак отиб.

Дедимки, жон нақдин берай бир бўсаи лаълинг учун,
Дедики, бил жон нақдига ҳаргиз они бўлмас сотиб.

Дедимки, етсам васлинга Девонийдек не ҳол ўлур,
Дедики, маст ўлғунгдуудур то субҳу маҳшарча ётиб.



* * *

Фигонким, ул пари ағёр ила базми шароб айлаб,
Манга жавру жафо изҳор этар қаҳру итоб айлаб.

Тараҳҳум ошкор айлаб, даме бу қулбам ичраким,
Егушмас ишқ элидин ман ҳазинни беҳисоб айлаб.

Күнгилда қўймади бир заррадек ором ила тоқат,
Чекиб бедод тигин жисми зоримни хароб айлаб.

Рақиби рўсияҳ бирла ичиб иннат майин лекин,
Мани дилхаста базмидин туну-кун ижтиnob айлаб.

Тонг эрмас айласам шаб то саҳар фарёд ила афғон,
Хароб ҳолимни сўрмаским, мани ҳам комёб айлаб.

Қилур гайри била айшу тараб субҳу масо, афсус,
Фироқ ўти била сар то бапо кўнглум кабоб айлаб.

Қилиб ур ҳолима шеван дамодам ранжу ҳасратдин,
Адам бўлмоққа етди жисми зорим изтироб айлаб.

Фигонким, шамъдек ёнмоқ била ором топмай ҳеч,
Чекарман дарди ҳижрон неча йиллар тарки хоб айлаб.

Халойиқ тухматин чекмай десанг Девониё эмди,
Харобот ичра кир, ринди тариқин интихоб айлаб.



* * *

Етмайин васлингта, тортиб, эй, пари, беҳад азоб,
Ҳажринг ўти бирла күнглум бўлди ондоқким кабоб.

Фурқат ичра заъфдин кел, ҳоли маҳзунимни кўр,
Сарбасар ғам сели кўнглим қасрини қилди хароб.

Бас қилиб зулму ситамни бир кеча, эй, сангдил,
Қилғали базми тараб кулбам сари қилғил шитоб.

Ман ҳазининг хор ила айлаб висолингдин йироқ,
Рўзу шаб ғайрини базминг ичра қилғунг комёб.

Заҳри ғам нўш айлабон субҳи масо Девонийдек,
Кўнглум ичра қолмади сабр этали бир зарра тоб.



* * *

Раҳм қил аҳволима, эй, дилбари олий насаб,
Ким әрурман фурқатинг ичра асиринг рўзи шаб.

Олғуси бедод ила жонимни икки кўзларинг,
Бермаса жон тозадин жиссимиң мўъжиз бирла лаб.

Бир қади шамшоднинг ишқида шайдо бўлмишам,
Айласам фарёд, эй, аҳбоб, эрмас бесабаб.

Ман ҳазину хастани ўлтурди дайр ичра хумор,
Соқиё, келтур қадаҳни майдин айлаб лаб-балаб.

Бўлғуси солим жаҳон офатидин беиштибоҳ,
Нўши қиласа ҳар кишиким, тинмайин жоми тараф.

Айши роҳат таркин айлаб, дамбадам ул хўбнинг,
Ҳажр андуҳини чеккил, айласанг васлин талаб.

Сен анга меҳру вафо қил тинмайин, Девониё,
Гар санга қиласидур ҳар лаҳза ул қаҳру ғазаб.



* * *

Базмим ичра келди ногаҳ ул шариваш бениқоб,
Жону күнглум айладилар зарра янглиғ изтироб.

Орзу айлаб висолин, ваҳки, муҳлиқ дурриға,
Фурқати ичра ҳазин күнглум бўлиб эрди кабоб.

Жонфизо лаълидин айлаб сўз дурин фош ул пари,
Ҳоли зорим сўрди чунки нозки айлаб итоб.

Ман ониңг бу лутфини кўргон замон йиглаб, дедим:
Сели ашкимдин бинойи күнглум ўлмишдур хароб.

Ҳоли маҳзуним сўруб фош айлабон лутфи қарам,
Маст ўлурга майл қилди ичгали жоми шароб.

Ул санамнинг меҳри бирла хотиримда дўстлар,
Йигламай ором этарга қолмади бир зарра тоб.

Ҳажр дардин ман ҳазин күнглида қўймай, айлади,
Бодаи васли била Девоний янглиғ комёб.



* * *

Базм ичра гар карамдин берса нигор шарбат,
Комимға обиҳайвон таъмича бор шарбат.

Ким неча муддат ўлди ул маҳлиқо қўлидин,
Ичмай бўлуб дуурман асру хумор шарбат.

Қиши мавсуми тангидин эмин бўлолмас аммо,
Гар ичмас эрса ҳар ким фасли баҳор шарбат.

Ҳажринг хазони бирла ўлмакга етдим эй шўх,
Васлинг баҳорида бер лайлу наҳор шарбат.

Файзи азални топгум лабрез этиб қадаҳни,
Айни тараҳҳумидин гар берса ёр шарбат.

Базми тараб тузубон бир шўхи дилбар ила,
Нўш эттали бўлубман кўб интизор шарбат.

Арз айласам шаҳимға шарбаг сабаб не тоңг, йўқ,
Девониё тутубдур мандин канор шарбат.



* * *

Базм ичра гар қарамдун берса нигор шарбат,
Комимға обиҳайвон таъмича бор шарбат.

Ким неча муддат ўлди ул маҳлиқо қўлидин,
Ичмай бўлуб дурурман асрุ хумор шарбат.

Қиши мавсуми тангидин эмин бўлолмас аммо,
Гар ичмас эрса ҳар ким фасли баҳор шарбат.

Ҳажкинг ҳазони бирла ўлмакна етдим эй шўх,
Васлинг баҳорида бер лайлу наҳор шарбат.

Файзи азални толғум лабрез этиб қадаҳни,
Айни тараҳҳумидин гар берса ёр шарбат.

Базми тараб тузубон бир шўхи дилбар ила,
Нўш этгали бўлубман кўб интизор шарбат.

Арз айласам шаҳимға шарбаг сабаб не тонг, йўқ,
Девониё тутубдур мандин канор шарбат.



* * *

Сайр этарга қылди токим азми ғулзор, ул йигит,
Куйида айлаб мани Мажнун киби хор, ул йигит.

Ҳар неча арзим десам, ман нотавони зорға,
Жавр зулмин құлғуси ҳар лақза изҳор, ул йигит.

Ваҳ, не янглиғ чора қылғум, сайд этиб қўнғлум қушин,
Орази домига қилмишдур гирифтор, ул йигит.

Ман ҳазини зорига раҳм айламай бир заррадек,
На уқубат бор эса қылди сазовор, ул йигит.

Ҳажр шомида қўюб шаб то саҳар ман хастани,
Ваҳ, рақибни айлади базмида сарпдор ул йигит.

Не эса ағёр комин бергуси базми аро,
Бўлмайин ман зорға бир лақза дидор ул йигит.

Тонг эмас ўлсам фироқи дардидин Девониё,
Очмади кулбам аро бир кечадор ул йигит.



* * *

Даҳр аро бўлди қўзимга токи пайдо, ул йигит,
Ишқдин қилди мани Мажнуни шайдо, ул йигит.

Рахши хокини ўпай десам мани паймол этиб,
Бошим узра солди юз минг шўри ғавғо, ул йигит.

Орази домига по баст айлабон ишқ аҳлини,
Куфри иймон ичра солди, ваҳки, яғмо ул йигит.

Жавр этиб фарёдима етмай даме, афсуским,
Зулм бедодин манга қилди ҳувайдо, ул йигит.

Қатл этиб ушшоқ элинин сарбасар олам аро,
Юз қиёмат шўришинким қилди барпо, ул йигит.

Тонг эмас аҳбоблар гар ғуссадин ўлсам ҳалок,
Келмади базмим аро бир кеча танҳо, ул йигит.

Жон фидо қилсан анго ҳар неча ман Девониё,
Кўйида манзур қилмай қилди расво ул йигит.



* * *

Фироқинг ичра тортиб юз маломат,
Үларга етмишам эй сарви қомат.

Маломатдин негай ўлтурмай ўзни,
Чекиб ҳасрат била оху надомат.

Надомат дардидин бошим узадур,
Күринг ахбоблар турфа қиёмат.

Қиёмат то янглиғ ҳажриндур манға иш,
Қаноатдур, қаноатдур, қаноат.

Қаноат пеша бўлса ҳар кишиким,
Бўлур мамнун дуринидин фарогат.

Фарогат бирла кирманг кўйи ишқга,
Насиҳат сизга эй аҳли саломат.

Саломат аҳлиға унс ўлмагим чун,
Улум ағли била аҳли жаҳолат.

Жаҳолат бирла умр ўтиарса ҳар ким,
Булур албатта ул аҳли маломат.

Маломат чекмасанг Девониё кел,
Фаноу фақр аро қилғил иқомат.



* * *

Гар айлар эрса лаълидин ул ой аён ҳадис,
Сомеъга умри абаддин берур нишон ҳадис.

Ҳасрат чекиб фироқ аро тун-кун ман ҳазин,
Ютгум дуур, эшилтали ҳар лаҳза қон ҳадис.

Үлсам ажаб йўқ эмдики рапик бирла шод этар,
Файрини мажлисида этиб чун равон ҳадис.

Оҳимни мисли тир этиб орзуйи ғами била,
Қилмиш дууркни қоматим ондоқ камон ҳадис.

Шод этмади дамики базми васлида,
Зоҳир демас дебонки бори ниҳон ҳадис.

Гар зоҳир этса базм тузуб лаълидин дариф,
Жисмим аро бўлур эди албатта жон ҳадис.

Девониё уммид ила бўл фақр кўйида,
Шод айлагай саники, дебон ногаҳон ҳадис.

* * *

Фамингдин ҳар нафас, эй, сарви озод,
Қиlурман тинмайин фарёд-фарёд.

Фироқингда қилиб зулму ситамлар,
Вале васлингда боре қилмадинг ёд.

Етурмай васлинга дойим қилурсан,
Жафо расмин менинг ҳаққимда бунёд.

Фигон этсам, тонг эрмас эй париваш,
Қилибдур хайли ғам сабримни барбод.

Чекиб ҳижрон ғамин ўлмакка етдим,
Ҳазин күнглумни васлинг бирла қыл шод.

Сўруб ҳоли ҳазиним лутфинг ила,
Фамингдин айла Девонийни озод.

* * *

Келса ногаҗким мани ул номусулмон ўлтуур.

Гарчи ул келмас эса ошуби ҳижрон ўлтуур.

Заррача раҳм айламай аҳволима ул бевафо.

Зулм бедодин қилиб ҳар дам намоён ўлтуур.

Хотиримни зулфидек ҳар дам паришон айлабон,

Жавр этиб ҳаддин фузун зулфи паришон ўлтуур.

Йигласам тонг йүқ агар аҳволима аҳбоблар,

Ман ҳазини хаста дилни дөнгө ҳижрон ўлтуур.

Лаъли шавқи ёдима келса агарчи ногаҳон,

Ғунчадек күңглум қилибон сарбасар қон ўлтуур.

Гар узорига назар қылсам они ман нотавон,

Қоши ёсидин этибон тийра мужгон ўлтуур.

Қоши ёсидин омон топсам агар Девониё,

Фитнагарлик зохир айлаб чашми фаттон ўлтиур.



* * *

Мужда бергил, эй, сабо, хуршиди соним қайдадир,
Сўрмағон ҳоли дилимни меҳрибоним қайдадур.

Муҳлики хижрон аро бу жондин айру жисмима,
Жон берурга нутқидин Ийсо нишоним қайдадур.

Касрату дарду фироги қоматим хам айлади,
Айттил эмди лутф этиб сарви равоним қайдадур.

Зулмкин айлаб манга раҳм этмайин ҳаддин фузун,
Фош қиғон элга бу сирри ниҳоним қайдадур.

Базми суҳбатлар тузуб ағёр илаким рашиқдин,
Кўқдин ошурғон мани оҳу фигоним қайдадур.

Бир нигоҳ қилмоқдин отиб ғамза ўқини манга,
Барҳам эттан тоқатим абру камоним қайдадур.

Ҳазрати Яқубдек ўлмакка етдим ҳажрида,
Айтинг эй аҳбоблар, ороми жоним қайдадур.

Лаҳза-лаҳза базм аро қилса такаллум дўстлар,
Жон топар эрдимки ул ширин забоним қайдадур.

Тарки зуҳд айлаб дуурман токи ман Девониё,
Дегил эмди дайрдин ўзга маконим қайдадур.



* * *

Келурлар карам айлаб кокули паришенлар,
Тонг эмаски чок этсам ман ағар гирибонлар.

Күргузуб манга беҳад ҳар нафас тараҳұмлар,
Равшан айлабон қулбам орази дурахшонлар.

Жисми bemадоримға құвват этдилар ҳосил,
Айлабон такаллумлар лағыл шаккар ағашонлар.

Етмайин висолиға нолалар қилиб тун-күн,
Ютмиш әрдім ҳажр ичра дард ила басе қоңлар.

Айлабон сувол ҳолим беҳаду карам бирла,
Бүлдилар манта ҳар дам ҳар бири нитоқбонлар.

Етдилар бұзук қулбам ичра лутф этиб бу күн,
Арсаи жағон узра сайр этиб гулистонлар.

Эй күнгүл, чу Девоний, туғма бир нафас ором,
Қил айларни сен әмди йўлиға фидо жонлар.

* * *

Лутғф айла эй парсуда дил, хуршиди тобонинг келур,
Ҳоли ҳазининг сўргали яъники жононинг келур.

Хижрони ичра кокили осо паришон хотиринг,
Жамъ этили айлаб карам, зулфи паришининг келур.

Меҳру вафо айлаб аён кулбанг сари эй нотавон,
Шамшоди қад, оҳу чашм шўхи сухандонинг келур.

Ҳусн аҳлини шавкат била яксари мутеъ айлабон,
Хижронидин дод айлатил ҳусн ичра султонинг келур.

Суръат била турмай даме чиққилки гар истиқболиға,
Бу байтул-аҳзонинг сари ул моҳи Канъонинг келур.

Бу тийра бўлғон масканинг ким дуди оҳингдин сенинг,
Равшан қилурға рўйидин шамъи шабистонинг келур.

Жон нақдими Девонийким мақдомига ийсор қил,
Айлаб вафо оҳанггини ёри қадрдонинг келур.



* * *

Мажлисимға келди лутф айлаб мани бу кеча ёр,
Зор күнглум қылғоли васли майдын комкор.

Юз очибон тийра кулбам равшан этди ул пари,
Садқаси бўлсин онинг бу кеча эмди йўқу бор.

Музтариб дил васлида таскин этди шукрким.
Йўқ эди ҳажри аро бир заррадек сабру қарор.

Зоҳир этди бу карамни ҳолима ул маҳжабин,
Тонг эмас жон нақдини йўли уза қилсан нисор.

Ваҳ гулистондин йироқ тушиган киби булбул ҳазин,
Этмиш эрдим фурқатида рўзи шаб афгону зор.

Гоҳи ҳолимни сўруб, гаҳ бўса эҳсон айлабон.
Марҳаматлар қилди аҳволимни ул шўх ошкор.

Зор эдук Девонийдек ҳажрида, эй, жону кўнгил,
Бизни ҳам ишқ аҳлидин ул дилбар этди эътибор.



* * *

Тини ҳажринг бирла бўлдим ҳажр аро, ман, эй, ниор,
Дилфигору дилфигору дилфигору дилфигор.

Не бўлур бир кеча аҳволимга лутфинг айласані;
Ошкору ошкору ошкору ошкор.

Тарқ этиб, кўйингта кирдим ман ҳазининъ эй, пари,
Эътибору эътибору эътибору эътибор.

Бўлмадим васлинг аро бир кеча ман, эй, нозанин,
Комкору комкору комкору комкор.

Маҳлиқолар бўлғуси ҳуснинг кўруб мухлат била,
Шармисору шармисору шармисору шармисор.

Не бўлур ҳолим кўруб бўлсанг манто ушибу кеча,
Ғамғусору ғамғусору ғамғусору ғамғусор.

Тарқ қил Девониё айши жаҳонниким, эмас,
Пойидору пойидору пойидору пойидор.



* * *

Бўлсин муборак эй кўнгул бу кеча жонинг келур,
Фаҳм айламиш ҳижронида гўёки фаттонинг келур.

Бас айлагил фарёдинги сархуш қилурға васлидин,
Айлаб вафо оҳангини сарви хиромонинг келур.

Жон нақдини қўлға олиб чиқ эмди истиқболиға,
Бу байтул-аҳзонинг сари хуршиди тобонинг келур.

Очиб такаллумга лабин зоҳир қилиб нозу адо,
Хушнуд этарға нуқтадин шўхи сухандонинг келур.

Не чора қылғунг ҳолинга мағлуби ғайрат бўлмайин,
Торож этарға нақдидин ул номусулмонинг келур.

Ҳақ даргаҳига шукр қил эҳтимол қилмай дамбадам,
Бу тийра бўлғон қулбанга шамъи шабистопинг келур.

Бошдин қадам қил оллида тонг отғуча Девониё,
Май нўш этиб маст ўлғоли ёри қадрдонинг келур.



* * *

Ваҳки, ёрим ғайр бирла озими бўстон қилур,
Бу жиҳатдин рашик ўтига жоними сўзон қилур.

Оразу қаддини шавқи бирла кўнглумнинг қуши,
Қумрию булбул киби шому саҳар афғон қилур.

Ҳеч бир жонони маҳнаш қилмас эрдики манга,
Бу сифат нозу адони, ул гўзал жонон қилур.

Пандлар бисёр этай ман, эшитинг, эй, дўстлар,
Кимки хўблар хайли бирла аҳд ила паймон қилур.

Ногаҳ илкимдин қарору тоқатимни олғали,
Ишва раЖши усгида ул дилситон жавлон қилур.

Бўлмишам бегона ақлу хущдин ҳажр ичраким,
Дилбаримни ғайрилар базми аро меҳмон қилур.

Жавр этиб ман зорига ҳаддин фузун ул маҳлиқо,
Лутф этиб ағёрни мажлис аро ҳандон қилур.

Ҳар неча арз айласам васлиға еткурмай ҳануз,
Нотавон кўнглумни ҳижрони аро нолон қилур.

Зулфи шаб рангин ниқоб айлаб юзита маҳвашим,
Ман ҳазиндин оразини жавр этиб пинҳон қилур.

Ҳар жафойи мушкулим бор эрса бу олам аро,
Ҳар нафас они манга, эй, дўстлар, даврон қилур.

Зор ўлуб ҳижрон аро, ғам чекмагил, Девониё,
Сабр қил бир кеча васлини санта эҳсон қилур.



* * *

Лутф этиб кулбам аро бу кеча жононим келур,
Изтироб айлаб не юнг хуршиди тобоним келур.

Очибон юз ул пари, айлаб шитоб беҳисоб,
Бўлғоли бу тийра кулбам ичра меҳмоним келур.

Арзи ҳолимни дебон комимни топсам не ажаб,
Марҳамат зоҳир қилиб нечунки сultonим келур.

Сўргали ҳоли дилим ширин такаллумлар била,
Жавр зулмин тарқ этиб, шўхи сухандоним келур.

Зулфи атридин димогим чун муаттар бўлдиким,
Масканимға, дўстлар, зулфи паришоним келур.

Айшу ишрат бодасидин маст ўларға ул пари,
Ким эшигимиш ҳажр аро фарёду ағроним, келур.

Не ажаб фузл айласам, Девониё, ушшиқ аро,
Лутф этиб аҳнолима ёри қадрдоним келур.



* * *

Кулбамиза келинг аё дилбари сийм узоримиз,
Дарду ғам ичра қолмади зарра киби қароримиз.

Топғали жоми васлингиз зоҳир этиб чу телбалик,
Йўқ эса тонг эмас дурур даҳр аро нангуримиз.

Лутфу карамлар айлабон бир кеча, эй, пари, келип;
Оҳу фифон қилиб басе васлингиз интизоримиз.

Сўрмоқ ила бу ҳолимиз бизга тараҳҳум айлангиз,
То қилоли фидо сиза ҳар неки йўқу боримиз.

Кўйингиз ичра рўзи шаб зуҳд аҳлиниң маломати,
Даҳр аро қўймамиш дурур заррача эътиборимиз.

Ваҳки, кўриб бу ҳолимиз рәҳм элинг эй, санам даме,
Асрү фифону зор ила ҳажрингиз ашкборимиз.

Сўрсангиз гарчи ҳолимиз, фурқатинизда субҳу шом,
Хайли бало рафиқимиз, йиғламоқ ўлди коримиз.

Шарҳ этар эрсак ҳолимиз сизга ажаб эмас дурур,
Чунки замона аҳлиниң муншийи номдоримиз.

* * *

Ханда била айлагач базм аро жонон ноз,
Ақл ила ҳушим мани айлади ҳайрон ноз.

Қил манға, эй, дилрабо әмди тараҳұм десам,
Қилгуси ман зорига борича имкон ноз.

Йүқ эса гар тонг әмас сабру қарорим мани,
Барҳам этарга қылур шұхы сухандон ноз.

Ғамза била қош қоқиб гоҳи усул айлагач,
Жилвагар айлаб қылур зулфи паришон ноз.

Қымагил ул шұхни нозин ҳавас зоҳидо,
Ростини гар десам мен ғорати иймон ноз.

Қатл әсам ул мағжабин нозидин әрмас ажаб,
Олғусидур ҳар нафас ишқ әлидин жон ноз.

Чорани қылғил анга бир кеча, Девониё,
Айлабон ўлтурғуси сарви хиромон ноз.

* * *

То күрүб یайратда қолдик, эй, пари, дийдориниз,
Маҳв қилди нутқимизни түтидек гуфторингиз.

Оҳ чекиб субҳу масо хунобай ғам нўш этиб,
Биз қолибмиз ҳажрингизда, васл аро ағёрингиз.

Не бўлур жаңр этмайин раҳм айлабон бир келсаниз,
Кулбамиз ичра очиб, ким ой каби рухсорингиз.

Жунбуш айлаб жисмимиз токим кўриб, қумри киби,
Нола айлармиз туну—кун, сарвдек рафторингиз.

Раҳм этинг аҳволимизга неча муддатдин бери,
Сўрғоли маҳзун ўлумиз лаъли шаккарборингиз.

Луғфингиз йўқдур агарчи, қаҳрингиз кам айламанг,
Одат ўлмишдур биза чекмак ғаму озорингиз.

Рахшингиз туфроқи кўзга еғди, деб, Девонийдек,
Кўйунгиз маскан этдук биз ҳазину зорингиз.



* * *

Не сабабдин бизга раҳм этмас даме жононимиз,
Поймоли хайли ғам бўлди тани урёнимиз.

Ҳажр аро ул қотили хунхори мухлик дард ила,
Бўйниға қолғусидур ўлтурса гарчи қонимиз.

Войким, раҳм айламасдур зарра янглиғ ул санам,
Фурқати дарди била чиқмоқға етди жонимиз.

Лутғ этиб, эй, тонг ели, биздин ўшал гулчехрага,
Шарҳини бир-бир баён айлангки бу ағронимиз.

Хуни дилдин май бўлуб, фаредимиздин соз зур,
Байтул-аҳзан ичра кулфат лашкари дарбонимиз.

Не балоларға сазовор этди ҳасрат чарҳдиг,
Йиғламоқдин ўзга бўлмас ҳажр аро имконимиз.

Дайр аро азм айлоли, Девонийдек, жону кўнгул,
Фурқат оламидин ўзга бўлмади армонимиз.



* * *

Кулбама келган бу тун хуршиди соним сизмусиз,
Равшан эттан ҳусн ила тийра маконим сизмусиз.

Раҳм қилмай неча муддат жавр этиб ҳижрон аро,
Қоматим хам айлаган нозук миёним сизмусиз.

Зор қылғон ҳазрати Яқубдек ман зорни,
Хұблик тахти уза Юсуф пишоним сизмусиз.

Сарв ила шамшодни раشك ичра поймол айлаган,
Бог аро сайдар айлаган сарви равопим сизмусиз.

Фамза бирла ўқ отиб раҳм айламай ақволима,
Ишқ әлин қатл айлаган қоши камоним сизмусиз.

Базм аро луғф айлабон ширин такаллумлар била,
Айлаган хуррам мани ороми жоним сизмусиз.

Айлаган ман зорға Девонийдек лутфу карам,
Күргузуб расми вафони меҳрибоним сизмусиз.



* * *

Ошиқ ўлғонлиғим ул дилбари жонон билмиш,
Ким қилур манга вафо беҳаду поён, билмиш!

Ки манга қылғусидур нозу тағофул ҳадсиз,
Зору шайдолиғим ул күзлари фаттон билмиш.

Базмим ичра келибон очди жамолин, гүё,
Күзларим тийралығин ул юзи тобон билмиш.

Хажридин ўлғали еттанлиқими ушбу кеча,
Ул лаби назҳат аро ғунчай хандон билмиш.

Үзинга сабру шикеб айлаки, эй, Девоний,
Ишқ аро рози дилинг жумлаи инсон билмиш.



* * *

Хижрон аро раҳм этмайин ул моҳи тобон, эй, рафиқ,
Ҳар дам қилур зулму ситам расмин намоён, эй, рафиқ.

Ул қотили хунхорнинг ҳижронига сабр этгали,
Жону кўнгилда қолмади бир зарра имкон, эй, рафиқ.

Фурқат аро ишлур манга аҳволима субҳи масо,
Гул шавқида булбул киби фарёду афғон, эй, рафиқ.

Раҳм айлабон Мажнундек афтода ҳолимни кўриб,
Тарк айламас жавру жафо ул лаъли ҳандон, эй, рафиқ.

Лутфу карамлар айлабон базми аро доҳил қилиб,
Ағёрға кўргузгуси ул беҳад эҳсон, эй, рафиқ.

Ҳоли ҳазинимни кўруб, раҳм этмайин, ҳаддин фузун,
Қаҳру итоб айлар манга ул номусулмон, эй, рафиқ.

Коми муродинг истасанг ўзлиқдин ўт Девонийдек,
Жаҳд айлабон бул гўшаи даҳр ичра пинҳон, эй, рафиқ.



* * *

Маҳв этиб жисми назорим дарди ҳижрон, эй, рафиқ,
Эл кўзига айлади чун зарра пинҳон, эй, рафиқ.

Топмайин ул маҳлиқонинг жоми васлин жомдек,
Зулмидин кўнглум бўлубдур таҳбатаҳ қон, эй, рафиқ,

Шавқи гулдин андалиб осо, даме оромсиз,
Иш маңга шаб то саҳар фарёду афгон, эй, рафиқ,

Даврон айланур эрса комин топғусидур ҳар жон
Лек тухмат бирла тузалмагуси бир инсон, эй, рафиқ,

Бир йўла Юсуф ҳақида қилди хабарни хилоф,
Қилмади бовар сўзин сўнг аҳли Кањон, эй, рафиқ

Фурқат ичра ёр висолин топмоқлиғ мушкул бўлуб,
Ўз вужудин айламак йўқ, эркан осон эй, рафиқ.

Истасанг албатта даврон илкидин Девонийдек,
Айш, фано жомини то бор ич, имкон, эй, рафиқ.



* * *

Оламда нури ҳуснинг бўлди аён, муборак,
Берди жаҳонга зийнат хуршиди сон, муборак.

Даҳр ичра эй париваш нозу карашма бирлан,
Ишқ аҳлини қилибсен кўнглини қон муборак.

Жаър айлабон саросар чекмак учун фироқинг,
Кўнглумда қўймамишсан тобу товои, муборак.

Зулму ситамни эрса лойиқ кўриб манга лек,
Ағёр мажлисига бўлдинг равон, муборак.

Мандин ҳазарлар этдинг базмимга келмайин ҳеч,
Ҳамсуҳбатинг бўлубдур яхши-ёмон, муборак.

Ёринг жафоси бирла ҳар нав бало етушса,
Дегил ўзингта они, эй, хаста жон, муборак.

Зуҳду варағъдин, эй, дил, Девонийдек дам урма,
Дайри фанони қилдинг охир макон, муборак.



* * *

Қиңдим тааммуқ бирла тамошо то олам ичра
түлдек узоринг;
Хажриндин ўлдим рәхм айла, эй, шүх ман ногавону
мәжнүн шиоринг.

Не келса тортиб ишқинг ғамирдин ҳижронинг ичра,
эй, ноганиним,
Таксин юзидин айғил ўзингким ишқ ичра маңдек
бордурму зоринг.

Ҳар неча арзу ҳолимни десам кам айламассан
жавру жафойинг;
Недур сабабким ҳеч билмадим ман бўлдим
ажойиб беътиборинг.

Савдои ишқинг кўнглумдин олди сабр ила тоқат,
эй, сарви қомат,
Найлай фигонлар қилмай дамодам зулму
ситамдур ҳаққимда коринг.

Ман хаста дилни васлинг тунидун жавр айлагобон
қиңдиг тирокроқ,
Гайрини қиудинг айлаб карамлар ишраг қиулурда
базм ичра ёринг.

Луғбу карамлар изҳорин айлаб шод этили бу
маҳзун кўнгулни,
Кел кулбам ичра то мақдамига жон нақдуни
ман айлай нисоринг.

Эй ногавон дил Девоний янглиғ даҳр ичра, келтил,
ул маҳлиқойинг;
Етмак тилассан васлиға гарчи тарқ айла аввал
номусу-оринг.



* * *

Мажлис аро бўлса аё маҳбуб гар ҳандон лабинг,
Ушишоқ ўлук жисмим аро бўлғусидурким жон лабинг.

Истаб дамодам шавқидин ўлган кўнгуллар жон топар,
Кавсармудур билмон ва ёким чашмаи ҳайвон лабинг.

Маҳфил аро маст ўлғали сипқорсанг ар акси тушуб,
Хижлат била майни қилур жом ичра гўё қон лабинг.

Мажнуңдек саргашталик бирла қарор этмай даме,
Истаб туну-кун ҳажр аро бўлдим басе ҳайрон, лабинг.

Даҳр аҳлиға билдургали сунъини то қодир Худо,
Бу нав ширин айламиш санъатдин ар жонон лабинг.

Қилғил қарам, эй, маҳлиқо, жон топғали ўтмаклигим,
Бўлди мани маҳзунға субҳу масо армон лабинг.

Раҳм айлагил, эй, дилрабо, фарёд этибон шавқида,

Тун-кун қилурман тинмайин қумри киби афғон лабинг.

Маҳзун кўнгул дарди учун бир сўрмасам, эй, гулузор,
Даҳр аро юрмаклик манга йўқдур ҳаёт имкон лабинг.

Фурқат аро бу ҳолима раҳм айлагил, эй, сангдил,
Девонийдек қилди мани ишқ ичра саргардон лабинг.



* * *

Бир нигоҳ қылмоқ била, эй, шўж бепарво кўзинг,
Дини исломимға солди сарбасар яғмо кўзинг.

Раҳм қилмай зарра янглиғ зулм этибон фитнадин,
Дамбадам ишқ аҳли бошиға солур ғавғо кўзинг.

Найлайин қилмай фифонким, бошим узра қилғуси,
Юз қиёмат шўришин бир лаҳзада барпо кўзинг.

Зор ҳолим ажзини ҳар лаҳза изҳор айласам,
Еткуруб ҳолимға оғат, эй, пари шаҳло кўзинг.

Тонг эмасдур айласам фарёду афғон ҳолима,

Зулми бедод эттусидур ҳар нафас ифнио кўзинг.

Жаврини жонимға бас қилмас даме фарёдким,
Қатлима қасд эттуси, эй, қомати зебо, кўзинг.

Қайда ором айлагум Девонийдек, эй, дилрабо,
Қаҳру кийн қилғусидур аҳволима пайдо кўзингт.



* * *

Недур журмим менинг эй дилрабо ҳажрингда зор этдинг,
Етурмай васлинга Мажнун киби күйингда хор этдинг.

Манга жавру жафо айлаб vale васлинг била ҳар дам,
Береб гайрини комин базминг ичра комкор этдинг.

Килиб аввал тараҳҳумлар, дегил, нединки эй дилбар,
Вафони тарк этиб, сўнгра жафони ошкор этдинг.

Кўруб раҳм этмайин авқот аро фарсада ҳолимға,
Ситам тигин чекиб сар то бапо кўнглим фигор этдинг.

Вафо расмин бузуб охир рақибинг сўзлари бирлан,
Фигоним ишқ эли ичра мани сан эътибор этдинг.

Висолинг базмидин маҳрум этиб, раҳм этмайин доғи,
Кўзум шаб то саҳар ҳижронинг ичра ашкбор этдинг.

Не суд айлар дегил, Девониё, ўлтурсанг, зарурким,
Чекиб бекуда меҳнатлар ўзингни бекарор этдинг.



* * *

Мажлисимға келди бу тун шоҳи хубоним менинг,
Тонг эмас ийӯқ бўлса кўнглум ичра армоним менинг.

Шод қилди васлидин ишод бўлғон хотирим,
Сайр этиб жон боғини сарви хиромоним менинг.

Бир нафас ҳолим сўруб ширин такаллумлар била,
Нуқтага очиб тилин шўхи сухандоним менинг.

Фурқатидин тийра бўлғон масканим айлаб мақом,
Равшан этди васлидин ул моҳи тобоним менинг.

Шод эсам эрмас ажаб имдоду имконидин зиёд,
Айлади лутғу қарам ҳолимға султоним менинг.

Етмайин васлига онинг ҳажри ичра, дўстлар,
Кўкка чиқмиш эрди тун-кун оҳи-афғоним менинг.

Хуррам этди хотиримни не учун Девонийдек,
Сўрди лутғ айлаб ҳазин ҳолимни жононим менинг.

* * *

То жилва бўлғоч эй гўзал маҳваш, намоён оразинг,
Ҳасратдин этмишдур мани Мажнуни ҳайрон оразинг.

Юз нав ҳасратлар била ошуфта бўлғуси дурур,
Гар кўрса ман зоринг киби ҳур ила ғимон оразинг.

Дарити жунунна юз қўюб фарёд қиласам тоңг эмас,
Сабру шакибим айлади маңдин паришон оразинг.

Қилинл ғараҳҳум, ҳар саҳар бедор ўлуб, эй, гулбадан,
Пайдо қилурсан шавқида булбулдек афғон, оразинг.

Дашти фироқинг ичра бу оғатда аҳволим кўриб,
Ман зорингга қил, эй, пари, бир кечা эҳсон оразинг.

Фарёд қилмай найлайн сабр этгали ҳижронға,
Маҳзун дилимда қўймади боз зарра имкон оразинг.

Шукур айларам беингиҳо уммид этиб, эй, нозанин,
Ким қилди кўнглум ғунчасин бедод ила қон оразинг.

Равшан қилурға, эй, пари бир тийра кулбам сори кел,
Очиб, карамлар айлабон, хуршиди рахшон оразинг.

Бурқаъни олсанг лутғ этиб қиласам тамошо тозадин,
Қолмас эди кўнглум аро бир зарра армон оразинг.

Зуҳд аҳлидек айлаб зиё жаннат уйин қилмон ҳавас,
Ман хастаға бўлмишдурур фирдавси ризвон оразинг.

Уздин борибон оҳким, дайр ичра қўймишдур қадам,
Девонийға қилғил карам, эй, моҳи тобон оразинг.

* * *

Кулбама азм айлади бу кеча жононим менинг,
Тонг эмас бузса фалак тоқини афғоним менинг.

Сарбасар ҳижрон аро гүё вужудим қасрини,
Мунжалам килмиц эли бу чаңми гирёним менинг.
Дарди ишқи бирла бу фарсадай ҳолим куриб,
Дағ Шукурким раҳм айлади ул шоҳи хўбоним менинг.
Шукурким раҳм айлади ул шоҳи хўбоним менинг.

Латъли жон парвардасицдин бўса эҳсон айлади,
Чиққоли етмиш эди фурқат аро жоним менинг.

Ҳоли зоримни сувол этди табассумлар била,
Марҳаматлар кўргузуб шўхи сухандоним менинг.

Кўргузуб лутфу мурувват шод қилди беъадад,
Кўнглум ичра қолмади бир зарра армоним менинг.

Ҳажр дардидин саросар бу паришон хотирим,
Жам қилди васл ила зулфи паришоним менинг.

Мажлисда ноз, айлаб табассум, юз очиб,
Тийра кулбам равшан этди моҳи тобоним менинг.

Боғ аро сайр этса гар рашик ила помол элтуси,
Сарвию шамшодни сарви хиромоним менинг.

Барқ осо базмима айлаб шитоб ул нозанин,
Дафъ қилди ҳуснидин бу шоми ҳижроним менинг.

Йигланмоқдин ҳажр аро Девониё бу даҳрни.
Фарқи об этмиш эдиким, ашқи филтоним менинг.



* * *

Ким ичса гар шарбати лола ранг,
Фараҳлар топиб бўлғуси бедуранг.

Зиҳи ишқ аро келса уппиоқ агар,
Не ҳожатдур ор-номусу танг.

Борур элдин орому ҳушу хирад,
Агар ман сори боўса ул шўху хирад,

Жаҳон ичра йўқ маҳваш бегумон,
Марҳаматда ҳама сенинг бирла танг.

Бу чархи кўҳандин фироқинг аро,
Келурса ҳар лаҳза бошимга санг.

Фигону фироқ ичра ғамлар юки,
Қадим қилди ҳам, ғам оёнимни ланг.

Агар бўлса ошиқ бўлур мўрдек,
Ғами ҳажр аро доғи шеру паланг.

Нигоро бериб бўса кўнглимни ол,
Ки бўлмишдур ул гунчадек асрү танг.

Санто эрса агар шогирд ноз аро,
Муносиб бори дилрабои фаранг.

Яқомни қилиб тийғи рашқ ила чоқ,
Қилурман гаҳи муддаи бирла жанг.

Бўлур шоду масрур Девониё,
Ким ичса агар шарбати лоларанг.



* * *

Зеб ила саҳни чаманда бўлди то хандон гул,
Боғ аро булбулни қилди ҳусниға ҳайрон гул.

Ҳар саҳар ағтюр ўлуб, булбул наво чекса не тонг,
Айламишдур хордин сар то бапо пайкон гул.

Дод қилсам не ажаб ҳижрон дардидин мудом,
Андалиб осо мени ҳам айлади нолон гул.

Ваҳки билмон олам ичра бу нечук офат эзур,
Ғунчасидек айлади ишқ аҳли кўнглин қон гул.

Васлидин маҳрум этибон оҳким саҳро сари,
Шавқ эли қатли учун чекмиш дурур домон гул.

Тутмадиким исча кун булбул фиронин муғтанам,
Бўлғуси боди ҳазондин оқибат вайрон гул.

Гар ҳаюдиси зулм бирла мубтало бўлса не тонг,
Кўрди ушшиқ аҳлиникум лойиқи ҳижрон гул.

Билмади ишқ аҳли қадрин васл аро афсуским,
Топмагай ҳасратдин ўзга давр аро сомон гул.

Умрдек Девониё ҳаргиз бақо маҳкам эмас,
Боқманил ҳар нечаким пайдо қилур даврон гул.



* * *

Чекдинг басе ул хўбнинг ҳажридин оғағ, эй, кўнгил,
Васлиға етгунг айлагил сабру қаноат, эй, кўнгил.

Ҳар кимки чекмиш ишқ аро ранжу алам беинтиҳо,
Охир мұяссар бўлғуси айш ила роҳат, эй, кўнгил.

Чекмак учун омода бўлким ҳазрати Аюбдек,
Чархи фалакдин сіңа ҳар раңж ила межнат, эй, кўнгил

Юз йил чони туз бўлсанг ҳам Мансурдек, ҳалқи жаҳон,
Таҳсинким, қиласибур юз нав тужмат, эй, кўнгил.

Кўйи аро ул шўхнинг аввора қиласа ҳар неча,
Боғингиға кам келтирматил санти маломат, эй, кўнгил.

Мақсудинг истарсен агар қўймай вужудингдин асар,
Қилсун сани андоқ адам оломи фурқат, эй, кўнгил.

Гумраҳлиғингдин болқариб туз йўлни кўрсатса санга,
Афсус, йўқ олам аро бир аҳли ҳиммат, эй, кўнгил.

Ҳар дам етар ранжу таъаб аҳволи зорингига сани,
Дун аҳлидин жаҳд айлабон қагъ ила улғағ, эй, кўнгил.

Фахр айлабон бу кисвати фақронига Девонийдек,
Қил гўшаи фаҳру фано ичра иқомат, эй, кўнгил.



* * *

Сўрмайин ҳолимни бир дам ваҳки дилдор, эй, кўнгул,
Ҳажр зинданни аро қилди гирифтор, эй, кўнгул.

Келмади сўрмоқға ҳолим фурқатида ё магар,
Қасди қатлим айламиш ёри жафокор, эй, кўнгул.

Келгали аҳд айладиким чиқди жоним келмади,
Ваъданни май ичра тақлиф қилди изҳор, эй кўнгул.

Қилмади таъсир анга бир зарра янглиғ оҳким,
Сели ашким бирла ҳаргиз нолау зор эй, кўнгул.

Ҳажри ичра шамъдек ёнмоқ била шаб то саҳар,
Бермади комимни бир дам чарх ғаддор эй, кўнгул.

Йўқламади найлайкиман лутфи бирла шод
эзур,
Васли жомини топиб ағёри бадкор эй, кўнгул.

Зарра янглиғ раҳм қилмай ҳоли зоримни кўруб.
Жур зулмини қилур ҳар лаҳза бисёр эй, кўнгул.

Тонг эмас йўқлар эсам ҳажрига чора ул хўбнинг,
Жонға етдим етмади висолидин ахбор эй, кўнгул.

Ўлгали етдим муродим топмайин Девонийдек,
Сарнигун ўлубон олама чархи даввор эй, кўнгул.



* * *

Оразинг очиб эй, шүх, кўзума намоён қил,
Сўрибон ҳазин ҳолим, лабларингни хандон қил.

Тортибон ғами ҳажринг кўб малул ўлубдурман,
Бўсалар манга ҳар дам лабларингдин эҳсон қил.

Ман ҳазинга эй дилбар марҳамат қилиб бу туи,
Бодаи висолингдин дафъи дарди ҳижрон қил.

Фош этиб вафо расмин очибон жамолингни,
Мажлисим қарам бирла рашики боғи ризвон қил.

Бас килиб жафо расмин рафъ этиб ҳижобингни,
Базм элини ҳуснингга эй нигоро ҳайрон қил.

Хандалар қилиб гоҳи нозу ишвалар бирла,
Шавқ ўтиға ишқ аҳлин дилларини сўзон қил.

Эй, кўнгил, чу Девоний айлабон қарам ул шўх,
Келса кулбанга ногаҳ жойинг ичра пинҳон қил.



* * *

Вафо расмин тутиб эй маҳваши ороми жон келгил,
Мани маҳзуни зорингға бўлурға меҳмон келгил.

Олурға тоқати ҳушимни ушбу кеча, базмимға,
Адоу ишваю ноз ила, эй, абру камон, келгил.

Манинг бирла қилурға бодаи гулфомни ошом, айлаб,
Бори аёёри шуму бенаволардин пинҳон, келгил.

Қилиб лутғу муруват фош аё гулрў санам эмди,
Қилурға байтул-аҳзоним аро бу тун макон, келгил.

Ўлук жисмимға жон бермак учун
ҳижрон ғамидинким,
Лаби лаълинг қилиб Ийсо киби мўъжиз баён, келгил.

Агар билмак тиласан фурқат ичра ҳоли маҳзуним,
Қилай то ман санга они барин бир-бир аён, келгил.

Манга бир гийра зиндан сансизин базми жаҳон гўё,
Қадаминг гардидин қилмоқға они гулистон, келгил.

Қилиб меҳр муҳаббат созини оғоз ушбу тун,
Айтиб ҳуру жафо таркини жоно биз томон келгил.

Ғамингдин етмиш ўлмаккаким эй дилдор Девоний,
Онинг ҳолига айлаб шафқатинг эҳсон, келгил.



* * *

То күзимға оразин қилди намоён ул ўғул,
Ақлу ҳушим айлади ишқида ҳайрон ул ўғул,

Күргали жаҳд айладим ҳар неча, сүнг ойдек юзин,
Ваҳки, қилди кокили остида пинҳон ул ўғул,

Айлабон жавру жафо васлиға еткурмай даме,
Солди күнглум ичра юзминг дөғи ҳирмон ул ўғул,

Қасд этиб ишқ аҳли қатлин заррадек раҳм айламай,
Кўй аро ўйнаб давомат кўйи човгон ул ўғул,

Ҳар неча изҳори ожизлиғ била арзим десам,
Қаҳр ила қилғусидур қатлимға жавлон ул ўғул.

Дарди ҳижронин чекиб ўлмакка етдим оқибат,
Дарди васлин қилмади бир кеча эҳсон ул ўғул,

Тонг эмас Девониё ўлсам фироқи дардидин,
Зор күнглум айлади ишқида вайрон ул ўғул.



* * *

Зор қилгон ҳажрида жонон экандур билмадим,
Барҳам эттан тоқатим ҳижрон экандур билмадим.

То адамдин келса ҳар ким айлаб уммиди талаб,
Лек ҳосил қилмоғи ҳирмон экандур билмадим.

Етмайин мақсудиға чархи фалакнинг зулмидин,
Аҳли олам сарбасар нолон экандур билмадим.

Гар киши мулки жаҳонни маскан этса неча йил,
Оқибат туфроқ аро пинҳон экандур билмадим.

Дам олур фурсатта қўймас ҳайфким қасри жаҳон,
Сарсари офат ила вайрон экандур билмадим.

Топғали ком ўрнига ман хастага бу даҳрдин,
Ранжу меҳнат сарбасар сомон экандур билмадим.

Ринд аҳлиға меҳнату шоди баробар бор экан,
Лекким дун аҳлиға армон экандур билмадим.

Топмайин матлубини жаҳд айлабон ҳасрат билан,
Ҳар киши ўз ҳолига ҳайрон экандур билмадим.

Кусру фақир ихтиёrim айлабон Девонийдек,
Тарки дунё айлаган султон экандур билмадим.



* * *

Қайда ором айлагум, эй, маҳваши фархунда ном,
Йиғламоқ бирла түкүб ашкимни күздин лола фом.

Раъд осо нола бирла барқ янглиғ оҳ чекиб,
Орзуйи насл этарман ҳажкинг ичра субҳи шом.

Муддаий рашкингдин ўлтурсам ўзумни тонг эмас,
Фурқатинг заҳридин ўлмишдурман айлаб талхком.

Қуш киби хомушдурман дона-дона хол ила,
То муқайяд айладынг зулғинг қилиб қасдима дөм.

Шаккар ила заҳар таъмин комим ҳеч фарқ айламас,
Етмади ағёр васлингдин манга ҳаргиз паём.

Бистари роҳатдин ондоқ тантдилман, эй, пари,
Гиря қилмоқ бирла айлаб күз уйқуни ҳаром.

Боғлабон зуннор белга ўйлаким раҳбони бут,
Муддао күнглумгадур күйинг аро тутса мақом.

Жисми зорим ҳар тараф юз ранг била очгусидир,
Чунки ишқинг бўлди ушбу нотавон кўнглум найом.

Дайр аро кирдимки, соқий тут сабуҳий май манга,
Айлабон Девонийдек дунёву дин таркин тамом.

* * *

Ваҳ, манга мумкин эмас бир кечадилдор ила базм,
Қоши ё, киприги ўқ, кўзлари хунхор ила базм.

Туну кун ҳажрида иш айламагим оҳу фифон,
Қила олмай ким ўшал ёри жафокор ила базм.

Не ажаб қилсам агар оҳу фифон рашик ила,
Қилур ул шўх кўзиниг дамбадам ағер ила базм.

Ул ситамгар ичадур мулдаий базмида шароб,
Ман қилурман туну кун кулфати аңдоз ила базм.

Ваҳки, бир лаҳза манга бўлмагусидур мавжуд,
Рўзу шаб истагум ул лаъли шаккарбор ила базм.

Қолмас эрди бу ҳазин кўнглим аро армоним,
Айласам бир кечадилкор ила базм.

Кўрмагай даҳр ғамин даҳр аро Девоний каби,
Тузса бир кимса агар соғари саршор ила базм.



* * *

Гул юзунг күргаң ҳамон булбул каби зор ўлмишам,
Интизорингни чекиб Мажнундек хор ўлмишам.

Қыл тараңхұм ҳолима бир кеча чунким ўлғудек,
Ранжи ҳижронинг аро, эй, шүх bemor ўлмишам.

Топмайин жоми висолинг ўртанибон рўзи шаб,
Дамбадам ҳайлу бало дардига дучор ўлмишам.

Юз қўюб даشتни жунунга қилмайин бир дам қарор,
Фурқатинг тиги билаким сийна афгор ўлмишам.

Бир кеча кулбамга келгил лутғ этиб, эй, дилрабо,
Жоми васлингға мане ҳажр ичра хуммор
 ўлмишам.

Жоми васлинг муддаийлар нўш этар, лекинки ман,
Ҳасрати ғам бирла туну-кун бўйла ҳушёр ўлмишам.

Ишқинг ўти бирла, эй, дилбар, ҳазин Девонийдек,
Гул юзунгни кўргали булбул киби зор ўлмишам.



* * *

Кел бери айлаб талаттуф, эй, пари гулрў санам,
Ким фироқингдин менинг бошимда бор юз нағъ ғам.

Эй ниғоро, моҳи таънат фурқати андуҳи аро,
Етмадим васлинг ҳарамига чекиб беҳад алам.

Зулми бедодинг чекиб ўлмакка етдим ҳажр аро,
Эмди қыл жавру жафо расмин манга, эй, шўх, кам,

Ман ҳазинни ташлаб ҳижронинг аро субҳу масо,
Айшу ишратилар қилурсан қайр бирла дамбадам.

Ваҳ нечук ишвиңгда шайдо бўлмасунлар даҳр эли,
Саңда бордур бу сифатлиғ ишвау, нозу, ҳашам.

Ушбу тун, эй, шўх ёр, бир дам мани зор этмайин,
Не бўлур васлинг майин қилсанг иноёгу карам.

Раҳм қилким ҳолима фурқат қаро шоми аро,
Ёш оқиб икки кўзумдин қилгуси оламни нам.

Муддаи хайлики қилмиш ёрни мандин жудо,
Не ажаб қилсан онинг ҳаққина не нағъ зам.

Борҳо комин рано айлаб рақиби шумни,
Ман ҳазинга айлагунг дойим язаб бирла сизам.

Гарчи сан иссанг майи гулфом ғайр ила менинг,
Лек бўлмишдур насибам ҳажр аро анвойи сам.

Дилбаримдек Лайлию Ширин не бор Девониё,
Ишқ аро мандек эмас Мажнун ила Фарҳод ҳам.

* * *

Шавқинг ила айлабон бир дам фигон, эй, гулбадан,
Чиқоли етди фироқинг ичра жон, эй, гулбадан.

Жоми васлингға даме етмай хуруш айлаб басе,
Ютмишам жавринг била ҳар лаңза қон, эй, гулбадан.

Қоматим хам айлади оломи фурқат оқибат,
Қымадин лутфин манта бир дам аән, эй, гулбадан.

Келмадинг ёд айлабон ҳижронинг ичра бир кечада,
Кулбай аҳзонима элдин ниҳон, эй, гулбадан.

Етмайин мақсудима умр ўткариб афсуским,
Гүядин сокин эмасман бир замон, эй, гулбадан.

Тонг эмас фарёд қилсан нури ҳуснингдин йироқ,
Кўзларимга тийрадур ёғду жаҳон эй, гулбадан.

Сўрмасанг ҳоли ҳазиним лутф этибким бир нафас,
Хайли ғам бермас манта бир дам омон, эй, гулбадан.

Чора не қилғум дуур қатл эттали жон қасдига,
Киприити ўқдур, vale, қошинг камон, эй, гулбадан.

Нола қилмай найлайнким ҳар нафас айлар ҳужум,
Хайли кулфат бошима беҳадду сон, эй, гулбадан.

Касрати қамдин фиронким лол ўлубдур бу тилим,
Айламақда шарҳи зулмингни баён, эй, гулбадан.

Қил карам бу ҳолима ким зор Девоний киби,
Гўнаи фурқатни ўилмишман макон, эй, гулбадан.

* * *

Күзүмдин тох-тох то бүлдінг, эй, меҳрибон,
Ниҳону ниҳону ниҳону ниҳон.

Ки айлаб ишим ҳажр аро субҳу шом,
Фигону фигону фигону фигон.

Бўлур лол арзим демакда манга,
Забону забону забону забон.

Фаминг боридин қоматим айладинг,
Камону камону камону камон.

Бори элга пинҳон сиррим айладинг,
Аёну аёну аёну аён.

Кел энди карам бирла кулбамни қил,
Макону макону макону макон.

Экан ҳажр Девониё кўп қаттиғ,
Ёмону ёмону ёмону ёмон.

* * *

Мани ишқингда мунча беқарор этмак недур, билмон,
Етурмай васлинга кўйингда зор этмак недур, билмон.

Тараҳҳум қилмайин ҳижрон аро, эй, дилрабо ҳар, дам,
Жафоу зулм ила Мажнун шиор этмак недур, билмон.

Келиб ҳолимни сўрмай, ваҳ, кўзумни ашкбор айлаб,
Фироқинг ичра мундоғ интизор этмак недур, билмон.

Бериб ғайрини комин не эса базминг аро тун-кун,
Вале ман хастани йўлингда хор этмак недур, билмон.

Даме ҳолим сўруб ҳижрон аро комим раво этмай,
Ситамни ман ҳазинга бешумор этмак недур, билмон.

Агар арзим десам қаҳр айлабон дашном этиб беҳад,
Кўзумни йигламоқдин ашкбор этмак недур, билмон.

Қилиб бедодлилар ҳолима Девониё ҳар дам,
Фалақдин доджим, йамъа дучор этмак недур, билмон.

* * *

Вафо қасдин қиl, эй, қотил фироқинг ичра зорингман,
Тилаб базми висолинг рўзу шабким интизорингман.

Не бўлгай фош этиб меҳру вафо ҳолимни бир сўрсанг,
Етушмай васлинга кўйинг аро бир хокисорингман.

Тун кун айлабон таъжил ором этмайин вахким,
Бало дашти аро ман ногавон Махнун шиорингман.

Чекиб ранж ила меҳнатни эса ҳажринг аро ҳардам,
Иноят айнин оч ушшоқ ичра номдорингман.

Рақиб аҳли ҳамиша базминг ичра эътибор ўлди,
Вале билмон недин ман хаста дил безъгиборингман.

Топа олмай марҳами васлинг, қилиб кўйинг аро тун-кун,
Фигонким, ханжари меҳнат била зору назорингман.

Юзинг шавқи олибдур қўнглум ичра ихтиёrimни,
Нетайким йигламай ҳижрон аро беихтиёringман.

Даме не бўлгуси келсанг сўрарға ҳолим, эй маҳваш,
Неча муддат этурким, фурқат ичра ашкборингман.

Муруват зоҳир этил, ё жафо қиl, эй, паривашким,
Ҳазин Девонийдек бир ожизу афтода ёрингман.



* * *

Юзларинг ё ой ваё хуршиди рахшонму экан,
Лабларинг ё кавсаре ё оби ҳайвонму экан.

Лаъли майгунинг уза чиққон хати анбарму ё,
Чашмаи ҳайвонда биттаги турфа райхонму экан.

Олғали аҳбоб хайлининг қарору сабрини,
Ғамза гунча эттучи ул чашми фаттонму экан.

Ушбу оқшом ноз жилва қиалгучи базмим аро,
Бизни дилбарму экан ё ўзга жононму экан.

Хотирим ошуфта қилғон бу нафас, эй, дўстлар,
Кўргузуб маҳвашлиг ул зулфи паришонму экан.

Ваъда айлаб эрди келмакка, нигорим келмади,
Ёки эмди қилғон аҳдидин пушаймонму экан.

Тийра чашмимни ёрутғон юз очиб Девониё,
Орази ҳусн авжида ул моҳи тобонму экан.



* * *

Васлингдин эт, эй, дилбар, комимни раво букун,
Хам ҳуснинг ила бергил кулбамга зиё букун.

Ҳажринг ғами дардидин ўлмакка етибдурман,
Жонбахши лабингдин қил дардимга даво букун.

Файрини висолингда шод айлагунг, эй, дилбар,
Ман зоринга хам кургуз лутф ила ато букун.

Тенг Ӣўқдур сагар қиласам фарёд ила афгоналар,
Йўқ айлади сабримни дард ила бало букун.

Изҳор этибон лугфинг ман сори суруб рахшинг,
Таркини қилиб келгил ҳам жавру жафо букун.

Ўлмакка етибдурман бас ила ситам расмин,
Раҳм айла бу ён беҳад ҳолимға қаро букун.

Не ғам санга Девоний, ҳижрони аро ёринг,
Кулбангта келур айлаб оҳанити вафо букун.

* * *

Кулбамга келди лутф этиб хуршиди тобоним букун,
Рафъ ўлса кўнглумдин не тонг фарёду ағғоним букун.

Жам ўлди васлини топиб пешгин сочидек бошида,
Алҳамдулиллоҳ, лутф этиб, хотир паришоним букун.

Соз айлабон танбурни дилсўз оҳанглар била,
Фам зантини маҳв айлади базм ичра жононим букун.

Мийно ичиб, сармаст ўлуб, озори ҳижрондин вале,
Бир зарра янглиғ қолмади кўнглумда армоним букун.

Расми муруннатдин ажаб ширин такаллумлар била,
Жисмимга берди тоза жон шўхи сухандоним букун.

Ҳоли ҳаробимни сўруб юз минг адоу ноз ила,
Лутфу қарам айлаб ўшал сарви хиромоним букун.

Фахр айласам йўқдур ажаб бўлмиш дурур Девониё,
Ул нозанини сиймтан базм ичра меҳмоним букун.



* * *

Файрини базми аро шод айлади ул сиймтан,
Қон ютарман рашқдин ҳижрон аро ваҳкимки ман.

Тинмайин фарёд қиласам ул паридин тонг эмас,
Ман ҳазиннинг ҳолига жавру жафони қилди фан.

Ниши ғамдин айлади кўнглум тўла қон ул санам,
Муддайи базмин қилиб гулзор ҳуснидин чаман.

Чарх иши қажклик била туз комини берган эмиш,
Эй, кўнгул, шод ўлмағунг андоқ эса албатта сан.

Йиғламоқдин кўз ёшинг оламни туфон этса ҳам,
Раҳм қилмас ҳолинга чун зарра ул гул пийраҳан.

Суд қилмас йиғласам ул сангдилға ҳар нафас,
Бу сифат ҳолим кўриб таҳсин қолур аҳли яман.

Дайр пириға борибон толиби иршод ўлуб,
Айлагил Девониё даҳри фано ичра ватан.

* * *

Меҳр расмини тутуб келгил бери эй жавр фан,
Үлгали етдим чекиб ҳижрон аро ранжу миҳан.

Сарбасар раппик ўтига ёқдинг вужудим кипварин,

Муддаий базми аро мийно ичиб эй сиймтан.

Байтул-аҗзандур манга гүёки зиндон сансизин,
Қыл юзинг очиб они назҳат аро раппки чаман.

Ҳар неча меҳру вафо расмини ман фош айласам,
Лек изҳор айлагунг жавру жафо исмини сан.

Ул париваш ишқига шайдоу зор қылғон киши,
Йўқдуурур Девониё олам аро монанди ман.



* * *

Оұқим топмай муродим бир нафас жонондин,
Эмин әрмасман күринг фарёд ила ағондин.

Үлғали етдім чекиб ҳижронида раҳм айласам,
Жавр зулмин беъадад эхдод ила имкондин.

Тонг әмас дод айласам ҳар дам рақиби шумлар,
Ким балоким қасдига айлар ғулув ҳар ёндин.

Ман нечук комим топайким ушбу ҳасратхонада,
Кимса борму ком топғон, дүстлар, даврондин.

Эй, ситамгар, ажыз әлиниң бил дуосин мұхтанам,

Кел ҳазар қылғыл күриб бу дийдаи гирёндин.

Қил тараҳұм расми бирла фаһр әлиға илтифот,
Ким қолур қасри жақон охир сану ҳам ондин.

Пешай сабр айла Девоний бало даشتі аро,
Мүмкін ўлмас солим қолмоқ ишк, әли ҳижрондин.



* * *

Бермади комимни бир дам ушбу золим даҳри дун,
Зулми бедоди била күнглум саросар қилди хун.

Топғали осори матлубдин нийшон шаб то саҳар,
Поймол ўлди манга сар то бапо дашти жунун.

Ҳайфким ман шоҳиди мақсадға ҳаргиз етмадим,
Кўбку ком урмоқ ила қилмайин бир дам сукун.

Тонг эмас ғарёд қилсам не учунким ҳар нафас,
Қоматим ҳам бўлди юам бори била андақки нун.

Гар киши фазлу ҳунарда бўлса Афлотун киби,
Суд қилмас бўлмаса то бахту давлат раҳнамун.

Ё киши топса Сикандар чашмини рўз ила лек,
Мўрдек бўлғай қазо Жаллаллоҳу забун.

Бермади Девонийдек коми муродим бир нафас,
Айлагил ушбу фалак тоқини ёраб сарнигун.



* * *

Не тонг фарәл қылсам ҳар нафас бу чархи гардондин,
Даме комим мұяссар айламасдур васли жонондин.

Чекиб ҳадсиз ситамлар тинмайин мақсудима ҳар дам,
Етибман ўлғали ақбоб билинглар дөғи ҳар ёндин.

Ажаб йүқ нола изҳор айласам фурқат аро тун-кун,
Тушуб булбул киби айру ҳамди гулбарги хандондин.

Бишойи тоқтитимни сели ашким бузди найлайким,
Оқар ёш ўрниға қон дамбадам бу чашми гирёндин.

Умиди айшу ишрат таркини қыл даҳри фонийдин,
Кел, зй, дил, қойил үл етса санта ҳар жаңр дәврөндін.

Тилсарсан васлинин Девоний йүқ эт вужудингни,
Не ҳосил бўлғуси фаҳм этки бу бехуда афғондин.



* * *

Нетай раҳм айламас ҳолимға жонон,
Етушти чиққоли ҳажри аро жон.

Манга пеша қилиб жабру жафони,
Қилур ғайриға беҳад лутф зұсон.

Бири құтқармайин зулму ситамдин,
Фироқ ичра қилиб чашмимни тирөн.

Фигон қылсам тонг әрмас тинмайинким,
Ҳазин күнглимини қылди дард вайрон.

Нечукким аңдалиб айрилса гулдин,
Қилур субҳу масо фарёду аффон.

Ажаб йүқ дарду ғамдин ўлсам әмди,
Тұлуб күнглум ичидә дөғи ҳижрон.

Манга ҳажр ичра васли мұждасини,
Сүруг ҳолим демас ул лағыл хандон.

Мани шөд әтмади васл ичра бир дам,
Хароб ўлсун илоҳи қархі гардон.

Кел, эй, Девониё, май ичил әмди,
Кириб майхонаға борича имкон.



* * *

Фарқиоб ўлди кўзум ашки била рўйи замин,
Қилмадинг бир зарра кам жаврунни сан ~~ни~~ нозанин.

Ҳажринг ичра шуълалиғ оҳимга раҳм этмай ҳануз,
Кўргузурсан ҳар нафас ман нотавонга зулм-кин.

Бўлмади ҳосил манга ахбори дарди ғам, эй, муғбача,
Токи кирдим кўйинга тарк айлаюб исломи дин.

Эй, шигори, меҳрибоним, родийи ишқинг аро,
Не бало келди чекарман ман ғариби камтарин.

Бир нигоҳи қилмадинг аҳволима, эй, сангдил,
Ўлгали етдим фироқинг ичра ғамдин ман ҳазин.

Тонг эмас сабру қарорим бўлмаса, эй, шўжким,
Оразинг тоити қазо машшотасидин зеб-зин.

Тонг эмасдур дони ҳижрон бирла ўлсам, ишманга,
Айламак зиндани ғамда ҳолима оҳи эмин.

Фуссадин эмин бўлурмиш ичса ҳар ким, зоҳидо,
Бу сабабдинким ўзум майхонаға қилдим яқин.

Келгил эмди сабр қил ҳижронига, Девониё,
Ким нузул этмишдур оёти «Юхиббус собирин».



* * *

Қуёшдек ул пари айлаб ҳиром оқиста-оқиста,
Бузук кулбам аро тутди мақом оқиста-оқиста.

Ҳазин ахволима жавру жафо таркин тутиб ул шүх,
Қилиб расми нафони илатизом оқиста-оқиста.

Табассумға очиб оғзин тараҳұмдин сувол этди,
Роб ҳолимни ул шириң калом оқиста-оқиста.

Дәдім, жоно Фироқынг дардидин бемор ўлубдурман,
Чекиб ҳижрон балосин субҳу шом оқиста-оқиста.

Басе нозу аді бирла кулуб деди аё маңзун,
Висолимдин бўл эмди шоди ком оқиста-оқиста.

Биҳамдиллаҳ, қилиб бу тун саросар тифи кулғатға,
Рақиби рўсияҳ кўксин ином оқиста-оқиста.

Ичибон шишии мийно бўлуб сар масти бепоён,
Манга ҳам сунди сўнг бир неча жом оқиста-оқиста.

Гул узра шабнам осо ким узорида арақ ҳар ён,
Бўлуб май тоби бирла лолафом оқиста-оқиста.

Тилар ҳар кимса Девоний киби васл ичра бўлмоқ шод,
Фано мулкин ҳавас қилғай мудом оқиста-оқиста.

* * *

То зевар айлаб зеб учун ул шўхи гулнор устина,
Ҳашм айлабон келди яна маҳзуни bemор устина.

Раҳм этмайин ҳижронида бу нотавон ҳолим кўриб,

Озорлар еткургуси ҳар лаҳза озор устина.

Кўрган ҳамон ул шўхтинг сабру қарорим бутради,
Чун оразу ҳолу хати бўлмишдур изҳор устина.

Ўлмай на имкон эмдиким, пайваста бўлғон қошлиари,
Қатлим учун гўё қилич ул чашми хунхор устина.

Ул дилрабонинг ҳажрида фарёд қилсам не ажаб,
Фанжи алам айлар ҳужум ман зори афгор устина.

Бадгўйлигидин рўзи шаб ноком этиб қиёди гулув,
Ё раб, балойи беадад ҳар лаҳза афёр устина.

Фам тигидин фурқат аро жисмим саросар қон эрур,
Кийган киби ғулранги тўн базм ичра дилдор устина.

Хок ўлғунг, эй, кўнгул, қолмай вужудингдин асар,
Чиқсанг агарчи рутбадин бу чархи даввор устина.

Ҳижрон аро Девонийдек афғон қилсам тонг эмас,
Ким келгуси хайли алам ҳажр ичра хушёр устина.



* * *

Үлмаклик агар оташи ҳижронида давра,
Жон топмогим икки лаби хандонида давра.

Ҳусн авжида ул чунки қуёш бўлди муватан,
Анжум киби маҳвашлар анинг ёнида давра.

Бегона бўлиб даҳр аро аҳлу хираддин,
Побасталиғим зулфи паришонида давра.

Парвона киби ёнсам агар шавқида тонг йўқ,
Минг нури зиё орази тобонида давра.

Гар ишқида йўқ эрса ҳаётим ажаб эрмас,
Жон қасдиға новак кўзи фаттонида давра.

Таҳсин қолиб хат чекарам лек ҳама ҳоли,
Хат нуқтасидек чоҳи занахдонида давра.

Девоний каби васлида жон топғасен охир,
Үлмаклик агар оташи ҳижронида давра.



* * *

Паризодим келур ораз очиб саллона-саллона,
Не тонг қылса бори олам элин девона-девона.

Ниқоб олғоч юзидин не ажаб жону күнгүл бўлса,
Юзининг кўйига юз шавқ ила парвона-парвона.

Агар истар эсанг мақсадға етмакликни, эй, солик,
Қадам бу йўл аро қўймоқ керак мардана-мардана.

Ҳазин ҳолимни сўрмас раҳм этиб ул дилбари қотил,
Эрурман яча муддат кам била ғамхона-ғамхона.

Рақиби рўсияҳ айлаб тамасхур таъна айлайдур,
Хароб ҳолимға арз этсам агар жонона-жонона.

Нигоро, ишқ элини ҳолини сўргилки лозимдур,
Раият ҳолини сўрмоқлиғи султона-султона.

Ул ой, Девониё, олам элини айламиши шайдо,
Суруб ноз ашҳабини ҳар сари мастона-мастона.



* * *

Ман төлба арзини дентиз, эй, дүстлар, дилдорға,
Ким дарди ҳажридин онинг қолдим басе озорға.

Ул шүх бўлса ҳамдамим бир умр тонг йўқ, эй, рафик,
Чун ҳамдам ўлғусидурур гуллан аро гул хорға.

Қилғусидур бедодлар одат бўлубму билмадим,
Зулму ситамлар айламак ул наргиси хунхорға.

Нечун алардин мақсади комини гар тоғмас эса,
Жочин фидо қилғусидур ушпоқ хайли ёрга.

Доруңчиғои васл ила мөхринг етур, эй, ноҳанин,
Айлаб иноёту карам ҳажрингда бу беморға.

Не бўлтуси қиссанг назар рәҳм айлабон, эй, сантиди,
Ким ханжару фурқат била бу сийнаи афторға.

Васлиға етунги, нола қил, Девониё, ҳаддин фузун,
Коми мурод ҳосил бўлур шаб то саҳар бедорға.



* * *

Ўлмакка етдим эй, пари, ҳижронинг озори била,
Лутф айлаб аҳёлиғ етур лаълингни гуфтори била.

Дейман хиром ичра сани товус янглиғ хушхиром,
Кимни олибдур ҳушини товус рафтори била.

Албатта беишак ҳурни базмини қилмас орзу,
Ким сухбат этса бир кечадан тузуб ёри била

Гарчи кўзи бедод ила ушишоқ элин қатл айласа,
Лекин берур жон тозадин лаъли шакар бори била.

Ул қомати сарви равон, ороми жон писта даҳан,
Ёқти ичим саҳбо ичиги рўзу шаб ағёри била.

Доим рақиби шум ила ҳамроҳу ҳамдам бўлғуси,
Бир лаҳза улфат тутмайин бир ерда ман зори била

Кўрдингму бу олам аро Девониё субҳу масо,
Ишрат майин нўш айлаган ошиқни диддори била.



* * *

Фош этиб, келди, карам ул моҳи тобон бу кеча,
Тонг эмас бўлса тасаддуқ жисм ила жон бу кеча.

Ноз ила гоҳи сўруб ҳоли ҳазиним шукрким,
Дилраболиг расмини қилди намоён бу кеча.

Юз тараҳҳум ҳолима очиб юзини айлади,
Масканимни оразидин рашики ризвон бу кеча.

Жонфизо абёт ўқуб гаҳ нағмаи дилкаш била,
Лугфу эҳсон айлабон ҳаддин фаровон бу кеча.

Май бўлубдур олам ичра барча дарё гүиё,
Жом ўлубдур гумбази гардуни гардан бу кечаси.

Давлати васли била ҳам нашъи майдии агар,
Не ажабким айласам фарёду афғон бу кечаси.

Қолмади Девониё қўнглумда армон заррадек,
Шукрким комим била эврулди даврон бу кечаси.



* * *

Ҳазин кўнглимга ишратдур таманно ул пари бирла,
Вале сармаст ҳам қилса лабининг соғари бирла.

Кўнгулда қолмас эрди заррадек осори ғам ҳарғиз,
Музайян қилса кулбамни юзининг анвари бирла.

Фигонким кулбам ичра келмайин хуршид янглиғ ул,
Фигор айлар вале кўнглумни ҳажри ҳалжари бирла.

Ҳазин кўнглум аро қолмас эди чун зарраи армон,
Маниомимни муаттар қилса зиллат анбари бирла.

Не армон айлагай олам аро мажлис тузуб ногаҳ,
Ки ором этса ҳар ким бир нафас ўз дилбари бирла.

Тонг эрмастурки армон айласам Девониё доим,
Ҳазин кўнглумга ишратдур таманно ул пари бирла.



* * *

Кулбам ичра келди ул номеҳрибоним бу кеча,
Ёр эшиитмишдур магар оху фифоним бу кеча.

Ҳажри ичра музтариб бўлмиш эди жону кўнгул,
Бўлди сокин васлда дил бирла жоним бу кеча.

То табассум бирла ҳолимни савол эттон чоги,
Фош қилдим оллида сирри ниҳоним бу кеча.

Рафъ этиб анвори ҳуснидин ниқобин шукрким,
Равшан этти кўзларим хуршиди соним бу кеча.

Бўсалар эҳсон этиб шод айладиким лаълидин,
Марҳамат зоҳир қилиб оромижоним бу кеча.

Айлаб изҳори карам мажлис аро тўти киби,
Сўз дурин фош айлади ширин забоним бу кеча.

Сўргали, Девониё, ҳоли дилимни, келдиким,
Байтул-аҳзонимга ул Юсуф нишоним бу кеча.



* * *

Келди очиб оразин ул моҳи тобон бу кеча,
Бўлгали хуршиддек кулбамда пинҳон бу кеча.

Ҳоли маҳзуним сўруб айлаб тараҳҳумлар басе,
Дилраболиғ расмини айлаб намоён бу кеча.

Кўнглум ичра қўймайин бир заррағам май шавқидин,
Тонгра тегру мастиб ҳаддин фаровон бу кеча.

Жонфизо абёт ўқуб, эй, мутриби гулчеҳраким,
Нағма оҳангини қил, борича имкон бу кеча.

Шукрким, ул маҳлиқонинг лутғу эҳсони била,
Васл шомира мубаддал бўлди ҳижрон бу кеча.

Ҳаддин имкондин фузуи масрур қилди васлидин,
Ҳолима раҳм айлаб ул шамъи шабистоним бу кеча.

Ўлсам армоним йўқ энди даҳр аро Девониё,
Шукрким комимча эврулдики даврон бу кеча.



* * *

Хусн авжида эмас хуршиди маҳ рухсорича,
Қанд ҳам лаззат аро не лаъли шаккарборича.

Кимни олмиш тоқатин товус хуш рафтор ила,
Гар десам ўхшаш онинг бу тарз ила рафторича.

Кимни орому қарорин олди меҳру мунгтарий,
Десам онларни жамолин орази анворича.

Айлама тавсифи жаннатни гулинин воизо,
Ким қачон бўлгай ниғорим кўйини гулзорича.

Жонли гар қилсан фидо жононима не ажабким,
Бўлмағай ушшоқға жон доғи ширин торича.

Не ажал жаллоди бўлғуси баробар кўзига,
Не Масеҳо мўъжизи бордур лаби гуфторича.

Боги ризвоннинг тули ҳамроси ҳам Девониё,
Кўзима кўринмагуси ёр кўйин хорича.



* * *

Оразидин ул пари қулбамни обод айлади,
Марҳамат зоҳир қилиб маҳзун дилим шуд айлади.

Неча мулдатдин бериким, баңди ҳижрони эдим,
Раҳм этиб аҳволима ҳажридин озод айлади.

Ошкор айлаб табассум лаъли шаккарборидин,
Бўсалар бирла мани маҳзунни ёд айлади.

Жилва айлаб юз туман ноз ила ҳар дам ул пари,
Ўзни Ширин, ваҳ, мани инқизда Фарҳод айлади.

Бу сифаг лутғу карамни манга бунёд айлагач,
Рашқ ўтига ўртаниб ағёр фарёд айлади.

Дарди ҳижрондин савол айлабки, ман дилхастадин,
Хайли ғамни ул санам бир дамда барбод айлади.

Ҳар нафас базми аро ҳолимға Девоний киби,
Беадад базлу карам ул чаپми жаллод айлади.



* * *

Кулбам ичра гар бу тун хуршиди соним келмади,
Чиққоли етди фироқи бирла жоним, келмади.

Ул санамким дарди била ишқи, эй, аҳбоблар,
Фош қылди элга бу сирри ниҳоним, келмади.

Шод этарға ман ҳазинии юз табассумлар била,
Нүктага оғзии очиб ширин забоним келмади.

Йиғламоқдин зор ўлуб ҳижрони ичра ҳар тараф,
Күздин ашқ үрниға оқди, ваҳки, қоним, келмади.

Интизор ўлдим ангаким ҳазрати Яъқубдек,
Байтул-аҳзоним аро Юсуф иишиним келмади.

Үлгали етдим фироқи дардидин, афсуским,
Равза жон ичра ул руҳи равоним келмади.

Заррадек айлаб тараҳхум ҳолима ул сангдил,
Бузди етги күкни бу оху-фиғоним келмади.

Тонг эмас, Девониё, ўлсам агар ҳажр ичраким,
Кулбам ичра ваҳ бу тун хуршиди соним келмади.



* * *

Оразингдин айру, эй, ой, меҳри анварни нетай,
Лабларинг ҳижронида қанд ила шаккарни нетай.

Бўй этарга зулфи шабрангингдин айру, эй, санам,
Бу жаҳон бозори ичра мушки анбарни нетай.

Гулшан ичра жилва бирла қоматингни кўрмасам,
Сарви шамшоду санавбар бирла ар-арни нетай.

Хўбларнинг базми ичра доҳил ўлсам ногаҳон,
Ул пари суратдин ўзга ҳуру пайкарни нетай.

Базм аро кўнглумни олон нозаниним бўлмаса,
Ўзга бир шўхи паризоди суманбарни нетай.

Ул лаби ширинни ёди басдур, эй, аҳбоблар,
Шаҳд ила шарбатни наилай, оби кавсарни нетай.

Носиҳо, исроф қилдинг; демагилким, борҳо,
Ёр учун ҳарж ўлмағон нуқра била зарни нетай.

Суҳбат ичра айшу ишрат қилгучи ёр ўлмаса,
Соқийи гулрў била мийноу соғарни нетай.

Файри дилбардин манга сўз демаким Девониё,
Ул адопарвардин ўзга шўхи дилбарни нетай.



* * *

Ул паривашким манга ораз падидор айлади,
Барҳам айлаб тоқатим чашмимни хунбор айлади.

Ҳар жафойи мушкуликим олам ичра йўқ эди,
Ким менинг ҳаққимда они ул санам бор айлади.

Не ажаб бедодидин фарёду афғон айласам,
Ишратимни кам қилиб ранжимни бисёр айлади.

Доги ҳижрони аро гар ғуссадин ўлсам не тонг,
Бодаи васли била гайрини саршор айлади.

Қон юларман зй кўнгул токи фалак бўлсин ҳароб,
Кажлик ила муддайини мунису ёр айлади.

Восил этмай бир нафаским ёр васлиға мани,
Нотавон аҳволима кулфатни изҳор айлади.

Эй, кўнгул ичтил фано жоминишири дайрдин,
Ул пари ишқи мани ошуфтай зор айлади.

Раҳм қилмай ҳолима Девонийдек ул муғбача,
Оқибат андуҳи меҳнат бирла дучор айлади.



* * *

Тараҳҳум құлғыл ақволимнә, эй, хүб ақлининг шоҳи,
Етушдім үлгали ҳажрингда тортиб дардлға оҳи.

Жамолинг нуридин ҳұсн ақли хижлат бирла чун хүффөш,
Юзунг бешак әзур, эй, дилрабо хуршид ё моҳи.

Жамолинг васғи џавиқини асири бор әсам тонг йүк,
Үзорингда занахдонинг әзур гүё ики ҷоҳи.

Етушмай василла фарёду ағюн этсам, эй, моғашшы,
Садойи оҳи зоримни даме бўлмассан огоҳи.

Фироқинг бандидин озод этиб бори мани зоринг,
Тариқи ишрат ичра бўлмадинг бир лаҳза ҳамроҳи.

Чекиб озори жавринг ман қолибман ғайрилар лекин,
Давоми шод әзур базминингда топиб айш ила жоҳи.

Қабул ақли қаторида ки мардуд этмагил, эй, шўх,
Тараҳҳум зоҳир эт Девоний маҳзунингға ҳам ғоҳи.



* * *

Шарҳи дилимни сўрмади ёр карам била нетай,
Ҳажрида умри ўтмамиш меҳнату ғам била нетай.

Ҳури беҳиштни васфини қилма мангаки зоҳидо,
Базм аро бўлмас эрсам ул шўх санам била нетай.

Йиглар эсам ажаб эмас айру тушгуб висолидин
Мунис ўлубман ҳажр аро ранжу аlam била нетай.

Бодаи гулранг ўрниға фурқати ичра нўш этиб,
Субҳ ила шомим ўтдиким жом аро сам била нетай.

Муншийи нотавон киби шиддати шавқидин онинг',
Дайри фанони истабон мунча ситам била нетай.



* * *

Базм аро то қилди ул дилбар намоён ҳуснини,
Истарам ондин бери ман зору ҳайрон ҳуснини.

Кун ҳижилдур зулмат ичраким онинг ҳуснин кўруб,
Гар талаб қилсам не тонг ул лаъли хандон ҳуснини.

Гўшаи ҳижрони ичра мунтазирдурман анга,
Истаганинг зарра чун хуршиди ражцион ҳуснини.

Даҳр аро ҳеч кимсани кўрган ҳамон ул хўбнинг,
Бўлгон эрмас ман киби аҳли паришон, ҳуснини.

Истаманг ул шўхнинг олам ароким, зоҳидо,
Гўйё ҳақ айламиш яғмойи иймон ҳуснини.

Ўзгалар базмини равшан қилғусидур ҳуснидин,
Лек этиб ман зордин ҳар лаҳза пинҳон, ҳуснини.

Орзуи ҳуснидин Девонийдек бўлдим ҳалок,
Айламас ман зорига бир кеча эҳсон ҳуснини.



* * *

Манга то ул санам ҳуснин намоён эттию кетти,
Олиб сабру қарорим дийда гирён эттию кетти.

Боқиб аҳволима бори табассум айламай зохир,
Күнгулни дөғи ҳижрондин тұла қон эттию кетти.

Тараҳұм қылмайин ҳолимға ул лайливашим ағсус,
Мани дилхастани Мажнуни ҳайрон эттию кетти.

Қилиб аҳволима гирия фиғон этсам тонг эрмаским,
Ҳазин күнглумни ғам бирлан паришон эттию кетти.

Сүрүб ҳоли харобимға тараҳұм қыл, дедим боқмай,
Жафо расмин манга ҳаддин фаровон эттию кетти.

Фиғонким, оразин пінжөн этиб ман нотавондин ул,
Жаҳон рангин бошымға тийра зинден эттию кетти.

Не тоғ' дод айласам ул маҳлиқо сайли бало билан,
Саросар кишвари күнглумни вайрон эттию кетди.

Нетай оҳ чекмайиң, Девонийдек, ул сийманныңким,
Насибим ҳажр аро аңдухы хирмон эттию көгги.



* * *

Жафодин ўзга бунёд этмадинг фарсуда ҳолимға,
Қилиб шоққи изо, эй, дилрабо кам эътиборимни.

Асар қўймай вужудимдин саросар поймол этти,
Бало хайли жунун даштида жисми хокисоримни.

Неча муддат дудурким фурқат ичра интизорингман,
Ёруъроқ қилмадинг ҳуснинг била бу шоми торимни.

Етумай васлинга бир дам ўтурдим умрими, афсус,
Қилиб оҳу надомат шавқинг ила барча коримни.

Бузуқ кўнглумни тузмай бир нафас шод этали охир,
Ки даҳр аҳлига фош этдинг ниҳону ошкоримни.

Тутуб ағер ила улфат йироқ айлаб мани лекин,
Сочи савдоси янглиғ тийра қилдинг рўзигоримни.

Карам зоҳир қилиб бу ҳолима, эй, маҳлиқо келгил,
Вале ҳаддил опшурдим ҳажринг ичра интизоримни.

Қочиб зуҳд аҳлидин, қилдим фано майхонасин
маскан,
Тутуб Девонийдек май, тарқат, эй, соқий хуморимни.



* * *

То бакай фурқат қаро шоми аро маскан қилай,
Дарди ҳижронинг чекиб ҳушу хираддин айрулай.

Кулбам ичра раҳм этиб наззора қилғил, эй, пари,
Гар десант ишқинг аро афтода ҳолимни билай.

Ашҳабингни байтул-аҳзоним сари сур, эй, санам,
Шамъи ҳуснингни кўриб парвона янглиғ ўргулай.

Зоҳидо, ишқингдин айру зуҳд тарғиб этмагил,
Ханжари ишқи била кўнглумни сар то по тилай.

Гар онинг, Девониё, васлиға восил бўлмаса,
Хас каби ҳижрони ўти бирла они ёқилай.



ИШҚ КУЙЧИСИ

Иқтидорли адаби, Хоразм адабий муҳитининг билимдони Комил Аваз хайрли ишга қўл урибди. У XX аср Хоразм адабий муҳитида яшаб, ижод эттан қаламкашлардан бири Комил Девонийнинг 1906 йилда шоир Табибий томонидан тузилган «Мажмуат-уш си шуаройи Ферузшоҳий» тўпламида чоп этилган 93 та ғазалининг янги нашрини тайёрлабди. Қолаверса, Комил Девонийнинг ҳаётига оид ёзилган эссе китобнинг нуфузини ва қимматини анча оширган. Ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, эссе да шоир яшаган давр, унинг яқинлари, устозлари ва ижодий муҳити ҳақидаги қизиқарли маълумотлар бизнинг Девоний ҳақидаги тасаввуримизнингина бойитиб қолмасдан, маълум маънода адабиёт тарихи илмининг ривожига ҳам муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Ўзбек адабиётшуарслигида ўтган аср бошлари Хоразм адабий муҳити ҳақида озми-кўпми тадқиқотлар яратилган. У ёки бу шоир ижоди баҳоли қудурат ўрганилган. Аммо шунга қарамасдан мен бу давр адабий муҳитини, таъбир жоиз бўлса, ҳанузгача кашф этилмаган уммонга ўхшатгим келади. Негаки бу уммонда катта-ю кичик кемалар бисёр. Уларнинг ҳар бири алоҳида тадқиқот обьекти бўлишга ҳақли. Уларнинг баъзилари мутахассислар томонидан атрофлича ўрганилган бўлса, айримлари ҳали ўз тадқиқотчисини кутиб ётибди. Назаримда, Хоразмнинг забардаст шоири, ўз даврининг оташнафас ижодкорларидан бири Комил Девоний шеъриятини холисона тадқиқ этиш вақти келди. Ваҳоланки, Комил Девоний замондошлари таърифида: «...беш илмга эга эди. Аввало, агар асбоб бўлса, бешотар милтиқ тузатар, иккинчидан, олти ярим мақом соз чертмоқни билар, лекин айтмоқни билмас эди. Учин-

чидан, яхши хушхат котиб эди. **Тұртингидан, яхши шоир** эди. **Иккінчи Навоий дейиш мүмкін** эди. (тағқид бизники – Ж.Ю.) Бешинчидан, яхши ислимкор наққош эди¹.

Бобожон Тарроҳ Ҳодим Комил Девоний билан бир даврда яшаб ижод қилган шахс. У Комил Девоний билан ҳамнафас, ҳамфікр, маслақдош бўлган. Унинг билан зиёфатдош, демакким, суҳбатдошлиги боис шоир ижодидан яхшигина хабардор эканлиги маълум. Шоирнинг ҳар бир янги ғазалидан қанчалар завқданганлиги учун бўлса керак, у Девонийни гарчи муболага бўлса ҳам иккінчи Навоий дейишга журъат этибди. Аҳмаджон Табибий «Мажмуа»сидан Мунис, Оғаҳий, Комил Хоразмий, Доий каби забардаст шоирлар билан бир қаторда ўн тўққиз яшар ёш шоирнинг тўқсон уч ғазалининг жой олиши ва бу ғазалларнинг бадий жиҳатдан ниҳоятда пишиқлиги, жарангдорлиги сабабли Бобожон Тарроҳ унга жуда юқори баҳо берган. Қолаверса, Комил Девоний ҳазрат Навоий ғазаларидан илҳомланиб, унга тақлидан Навоийона услугда ёзишга ҳаракат қилган. Ва бу илҳом натижаси ўлароқ ёш шоир қалбида тутён урган туйғулари ғазалларга кўчган. Бунда, албатта, Девонийнинг созандалиги ҳам катта роль ўйнаган.

Қилиб қатл ишқ элини зулми бедодингни бунёди,
Жаҳон бўстонида эй шўх, шоёнингга салламно.

Ёки:

Дилбаримдек Лайлию Ширин не бор Девониё,
Ишқ аро мандек эмас Мажнун ила Фарҳод ҳам.

Зеро, Бобожон Тарроҳ Комил Девонийни иккінчи Навоий деб таърифлаган бўлса, шоир ғазаллари оҳангдорлигидан маст бўлган Табибий:

Зеб ила саҳни чаманда бўлди то ҳандон гул,
Боғ аро булбулни қилди ҳуснига ҳайрон гул
байтига жуда юқори баҳо беради ва Девонийнинг

¹ Бобожон Тарроҳ, «Хоразм навозандалари» Т.: F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти.

«Мажмуа»га кирган ҳар бир ғазалига биттадан маснавий ёзади.

Девоний ғазаллари билан танишиш, уларни мутолаа қилиш кишига ҳузур бағишилайди. Улардаги ташбеҳлар, поэтик қочиримлар, сўз санъати намуналари ўн тўққиз яшар шоирнинг маҳорати ҳақида тўлиқ тасаввур бера олади. Уқувчида шоир ҳақида кўпроқ билишга интилишни кучайтиради. Ёш шоирнинг нақадар катта истеъдод эгаси бўлганлигига иқрор бўласиз.

Меҳру вафо айлаб аён кулбанг сари эй нотавон,
Шамшоди қадоҳу чашм шўхи сухандонинг келур

мисраларини ўқиган ҳар қандай киши шоир ғазалларига ошиқ бўлиши, унинг саъатига тасанно айтиши турган гап. Аммо Истеъдод-у иқтидор эгаларига ҳар доим ҳам қийин бўлган. Гўё ўз қисматини олдиндан билгандай:

Халойиқ туҳматин чекмай десанг Девониё эмди,
Харобот ичра кирринди тариқин интихоб айлаб,—
деб зорланган шоир ўз элдошлари томонидан тухматга учрайди ва қатағон йиллари ҳибсга олиниб, 1938 йилда нақ эллик ёшида Урганч турмасида вафот этади.

Қисқаси, ушбу китобда келтирилган маълумотлар ва ғазаллар бўлғуси филологлар, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари учун олтин хазина ролини ўташи тайин. Шунинг учун ҳам уларни чоп қилиш ва ҳалқ оммасига етказиш кечиктириб бўлмайдиган ниҳоятда савоб иш, илло бундан нафақат Комил Девоний руҳи поклари шод бўлади, балки ғазалхон ҳалқимиз, илмга чанқоқ ёшлиаримиз ҳам баҳраманд бўладилар. Ўзбек адабиёти тарихида муҳим бўғин ҳисобланадиган ўтган аср Хоразм адабий муҳитини ўрганувчилар учун ушбу китоб муҳим қўлланма вазифасини ўташига шубҳа йўқ.

Жумабой Юсупов, филология фанлари доктори, Ўзбек адабиёти кафедраси профессори

Ўз И

Адабий-бадиий тадқиқот

Комил Аваз

КОМИЛ ДЕВОНИЙ

(шоир таваллудининг 120
йиллиги олдидан ҳаёти ва ижодига бир назар)

Мастьул мұхаррир: Жумабой Юсупов,
филология фанлари
доктори, профессор.

Тақризчилар:

Абдулла Ахмедов,
УрДУ доценти.

Матназар Абдулжаким,
Хоразм Маъмун Академияси
катта илмий ходими, шоир.



Огаҳий номидаги жамғарма

Босмахонага 01.02.2006да берилди. Босишга 18.02.2006
да рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32 6.70 б.т.
Буюртма № 9-« Адади 100 нусхада.
Баҳоси келишилган нарҳда.